УзССР Давлат китоб палатаси
КИТБ.
Тоб-хисобот палата УзССР
8 АПР 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 62 (20. 929) 1991 йил 30 март, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИБ, ВАЗИЯТНИ ҚЎЛГА ОЛАЙЛИК

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВнинг Марказий телекўрсатув орқали сўзлаган нутқи

М. С. Горбачев Бутуниттифоқ телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясининг раиси Л. П. Кравченко ва сиёсий шарҳловчи И. С. Фесуненконинг саволларига жавоб қайтариб, совет кишиларини тўлқинлантираётган долзарб муаммоларга тўхталди. Сиз референдум якунларини қандай баҳолайсиз? Биринчи савол ана шундай бўлди.

М. С. Горбачев. Референдум мураккаб вазиятда ўтди. Биз қайта қуриш йўлини амалга оширар эканмиз, кескин босқичга етиб келдик. Бир томондан, соғлом ҳолга келиш, «қайта яшариш», турмушнинг янги шаклларига ўтиш учун жамиятга зарур бўлган ғоят туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу иқтисодиёт, сиёсат, маънавий соҳа, миллатлараро муносабатларга таллуқлидир. Бундай босқичда безовталик, ҳавотирлик, фикр юритиш, мунозара қилиш, баъзан ҳатто можаролар бўлиши мумкинлигини ҳамиша тахмин қилса бўлади. Буларнинг ҳаммаси бизда содир бўлмоқда. Бунинг устига, муаммолар билан тўлиб-тошган жамиятда чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Референдум тўғрисидаги масаланинг ўзи қандай юзага келганлигини эслатиб ўтаман. Биз ҳаммамиз қайсидир босқичда шунча халқ яшайдиган мамлакатда кўп миллатли давлатни янгилаш шакли топилмаса, етилган муаммоларни ҳал этиш қийин бўлишини ҳис этдик. Уни янгилаш йўллари тўғрисида, у қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўпгина таклифлар юзага келди. Ўшанда мен ушбу масала хусусида халқнинг ўзи ҳал қилувчи сўзни айтиши керак эканлигига қатъий амин бўлдим. Мен раҳбариятдаги ҳамкасбларим, халқ депутатлари, зиёлиларнинг вакиллари билан маслаҳатлашиб, конституциявий ҳуқуқдан, президентлик ваколатларидан фойдаланиш ва масалани халқ депутатлари Съезди олдига қўйиш зарур, деган хулосага келдим.

И. С. Фесуненко. Референдум умуман муваффақиятли ўтди. Бу шубҳасиз. Мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам шундай дейишмоқда. Аммо ҳар ҳолда унда олтита республика: Болтиқбўйи республикалари, Молдова, Грузия, Арманистон қатнашмади. Айни пайтда ана шу республикаларнинг раҳбарлари мамлакатимиз таркибида бўлиш ёки бўлмаслик тўғрисидаги масала юзасидан ошкора мухолифлик мавқеини эгалладилар, улардан баъзилари СССР таркибидан чиқиш истагида эканликларини ошкора айтмоқдалар. Бундай вазиятнинг референдум натижалари билан қандай боғлиқлиги бор?

М. С. Горбачев. Референдум натижаларини юксак баҳолайман. Олдиндан нималар дейишмади, халқ эса референдумга келди. Бу рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг саксон фоизидир. Улардан етмиш олти фоизи суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатида Иттифоқни ёқлаб овоз берди. Бу Иттифоқнинг муаммоларини ҳал этиш нуқтаи назаридангина эмас, балки умуман жуда катта аҳамиятга эгадир. Биз ҳаммамиз референдумдан кейин ўзимизни янада бардам ҳис этдик, Иттифоқимиз ғоят улуғвор бойлик эканлигига, у ҳаммамизга бугун ҳам, эртага ҳам зарур эканлигига яна ишонч ҳосил қилдик. Одамлар биз умумий қийинчиликларни бартараф эта олишимизни, олдимизда турган муаммоларни биргаликда ҳал эта олишимиз мумкинлигини англаб етдилар.

Референдум арафасида республикалар тайёрлаган ва Федерация Кенгашида муҳокама қилинган янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси эълон қилинганлигини ва одамлар бўлажак Иттифоқ қиёфасини тасаввур эта олганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, улар Иттифоқни сақлаб қолиш зарурлигини айтиб, амалда Иттифоқ шартномаси лойиҳасини ҳам маъқулладилар.

Бу Совет кишиларининг фуқаролик етуклигидан далолат беради. Улар бугунги қийинчиликларга қарамай, муҳим масала юзасидан ўз мавқеларини аниқлаб олдилар.

Энди иккинчи масала юзасидан гапирмоқчиман. Тўғри, баъзи республикаларда референдум ўтказилмади —бу биздаги бугунги воқеликни акс эттиради. Аммо, шуни айтишим керакки, ана шу республикаларда ҳам фуқаролар шунга қарамай, ўзлари дуч келган қийинчиликларни бартараф этиб, мамлакат тақдирини ҳал этишда қатнашиш истагини изҳор қилдилар. СССР Олий Кенгаши ана шу қонуний истакка нисбатан ўз муносабатини билдириб, уни амалга ошириш учун муайян замин яратиш йўлидан борди. Натижада шундай бўлди: Молдовада саккиз юз эллик мингга яқин фуқаро референдумда иштирок этди. Литва ва Латвияда ярим миллиондан, Эстонияда икки юз эллик минг киши овоз берди. Абхазияда кўпчилик референдумда қатнашди ва Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаб овоз берди...

И. С. Фесуненко. Ана шу республикалар ҳукуматларининг ошкора қаршилик кўрсатишига қарамай, шундай бўлди...

М. С. Горбачев. Шунчаки қаршилик эмас, у баъзан қаттиққўллик, зўравонлик тусини олди... Референдум мана, нималарни намоён этди. Натижада янги вазият вужудга келмоқда, эндиликда биз Иттифоқ шартномаси сари қатъият билан олға томон боришимиз керак, бу жараён жадаллаштирилиши лозим.

И. С. Фесуненко. Референдумда қатнашишдан намойишкорона бош тортган республикаларчи? Сизнингча, референдум натижалари улар ўз-ўзидан СССРдан чиқиш ҳуқуқига эга бўлганликларини билдирадими?

М. С. Горбачев. Юқорида номлари тилга олинган республикаларда референдум ўтказилмаганлиги улар ўз-ўзидан Иттифоқдан чиқди, деган маънони англатмайди. Халқи Иттифоқ сақлаб қолинишини ёқлаб овоз берган республикаларнинг Иттифоқ шартномасини имзолаши қолган республикалар учун ҳам жараён бошланганини билдиради, деб ўйлайман. Бунинг учун бизда конституциявий қондалар бор, қонун бор, воситалар бор.

Ўз-ўзидан Иттифоқдан чиқиб кетиш мумкин эмас. Биз ҳаммамиз нима учун шундай эканлигини тушунамиз, деб ўйлайман. Ваҳолонки, Совет Иттифоқи таркибидан чиқиш йўлини белгилаб берадиган қонун мавжуд. Бунинг учун ҳар бир халқ конституциявий ҳуқуқга эга, бироқ, инсоний муаммолар бор. Барча республикаларда турли миллат кишилари яшайди. Уларнинг тақдири қандай бўлади? Буни ҳал этиш керак. Уларнинг ўзлари ўйлашлари, ўз йўлларини танлашлари керак. Мудофаа, мулк масалалари, бошқа кўпгина масалалар бор. Бу жуда мураккаб жараён.

Мен бир нарса ҳақида аввал ҳам гапирганман. Ҳозир ҳам шундай демоқчиман: қандай йўл танлаш кераклиги тўғрисида ўйлаганимда, бахтни қаердандир бошқа жойдан изламаслик лозим, деган айнан бир хил хулосага келаман. Менимча, республикаларни, халқларни Иттифоқдан ажралиб чиқишга ундаётганлар уларни хатарли йўлга бошламоқдалар. Кўпмиллатли давлатимиз янгиланаётган, суверен республикаларнинг янгиланган Иттифоқи, янги федерация барпо этилаётган, республикалар ва марказ мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги пайтда барча муаммоларни ҳал этиш, ўтган йиллар ва ўн йилликлар давомида тўпланиб қолган барча ўткир масалаларни ҳал қилиш имконияти бўлади.

СССР Президенти яқин келгусида Иттифоқ шартномасини имзолаш имконияти тўғрисидаги масалага жавоб қайтариб, бундай деди:

(Давоми иккинчи бетда).

УЛҒАЙИШ, ЮКСАЛИШ ЙИЛЛАРИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ВА ВИЛОЯТ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ— 50 ЁШДА

● Наманган — меҳр-гнёли диёр. Уни бир қўрган, ҳатто таърифини эшитган одам ҳам бу ерда бир умр қолиб кетишни орзу қилади. Наманганнинг ширинсўз, меҳмон учун жонини фидо қилишга тайёр одамларини, гўзал табиатню, шифобахш ҳавосини таърифлашга сўз ожиз. Бугун мана шундай жаннатмакон юрт алоҳида вилоят этиб ташкил қилинганининг 50 йиллиги нишонланаётир. Шу давр ичида унинг боғлари болга тўлди, гўзал табнати ҳуснига ҳусн қўшилди. Бободеҳқонларнинг пахтадан уйган хирмони водийни ўраб турган тоғ чўққилари билан бўйлашмоқда. Наманганнинг беқиёс таърифи аллақачонлар жумҳуриятимиз, Иттифоқимиз чегараларидан хатлаб ўтган. «Наманганнинг олмаси», «Наманган гуллар шаҳри» деган сўзларни эшитганда дилларни ширин туйғулар ҳушнуд этади.

Бугун Наманган халқи қўли кўксида, минг тавозе билан меҳмон кутмоқда. Меҳмонлар Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, РСФСР каби ўнлаб жумҳурият ва уларнинг вилоятларидан самимият, пок ният билан наманганликларни олтин тўй билан муборакбод этишни дилга тугиб ташриф буюришяпти. Кўплар қатори биз ҳам улуғ айёмнинг қутлуғ бўлсин, гўзал Наманган, деймиз.

ОЛТИН ТЎЙ

Б. Ж. ҲАКИМОВ,

Наманган вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси.

ВИЛОЯТИМИЗДА рўй берган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало доҳий В. И. Ленининг Декрети ёдга тушади. 1918 йил 17 майда у «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва суғориш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги тарихий ҳужжатга имзо чеккан эди. Унда республикамизнинг бошқа жойлари қатори водийдаги Учқўрғон даштида ҳам 10 минг десятина ерни суғориш ва шу ерлардаги 20 минг десятина майдонда маҳаллий ариқлардан фойдаланишни тартибга солиш ҳақида кўрсатма берган эди. Владимир Ильич мазкур ишнинг бажарилишини шахсан ўзи назоратга олди. Унинг топшириғига кўра Россиядан жумҳуриятимизга, жумладан Наманганга суғориш иншоотлари қурилишини йўлга қўйиш учун тажрибали муҳандислар, агрономлар, асбоб-ускуналар юборилган.

Бундан роппа-роса ярим аср муқаддам вилоятимиз тарихида муҳим воқеа содир бўлди. Жумҳуриятимиз таркибида Наманган вилояти ташкил топди. Шу куниёқ ташкилий комитет ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Наманган вилояти бўйича ташкилий бюроси иш бошлади. Мазкур бюро ва комитет олдига вилоятни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш, партия, совет, комсомол ва хўжалик органлари фаолиятини шакллантириш, унга раҳбарлик қилиш йўлларини белгилаш вазифалари қўйилди. Бироқ бу режаларни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Вилоят партия комитети вазифасини бажариш уруш тугагунга қадар ташкилий бюро зиммасига юкланди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ вилоятдаги барча корхоналар ҳарбий мақсадларга жалб қилинди. Жумладан, Москванинг Митишчи районидан кўчириб келтирилган сунъий тола ишлаб чиқариш заводи, пойабзал фабрикаси, вино, пиво-лимонад ва консерва заводлари ишга туширилди. Уларда дастлабки кунларданоқ меҳнат унумдорлиги уч-тўрт баравар ўсди.

Улуғ Ватан уруши фронтларига вилоятдан 79 мингдан зиёд киши сафарбар этилди. Шулардан 24 минг киши урушдан қайтмади. 23 минг киши эса кўрсатган жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Жумладан, етти киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, 3 киши Шуҳрат орденининг тўла нишондори бўлишга эришди. Уруш йилларида вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам фронт ортида туриб фидокорона меҳнат қилдилар. Давлатга пахта, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан бирга ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан «Наманган колхозчиси» танк колоннаси қуриш учун 74 миллион сўм, «Ўзбекистон колхозчиси» авиаэскадрильяси тузиш учун 38 миллион сўм пул тўпладилар.

Меҳр оқибатли ҳамюртларимиз урушнинг оловли жойларидан кўчириб келинган 20 мингга яқин кишини қариндош, дўст-ёрони сингари ўз бағирларига олиб, бир бурда нонларини баҳам кўрдилар.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоят партия ташкилотининг бутун фаолияти халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга, меҳнаткашларни тинч яратувчилик ишига сафарбар этишга қаратилди. Вилоят саноатида катта ўзгаришлар рўй берди. Наманган шаҳри ва йирик районлар марказларида қирққа яқин ҳунармандчилик артеллари ташкил этилди. Тикувчиларни бирлаштирган «Беш йиллик», ипак тортувчи ва йигирувчиларнинг «Янги ривожия», темирчиларни ўз атрофига уюштирган «Қизил болға» артеллари ана шулар жумласидандир. Кейинчалик шу артеллар базасида замонавий завод ва фабрикалар қад кўтарди.

Вилоятимизда саноат ривожланиши билан бирга аста-секин маҳаллий кадрлар ҳам етишиб чиқа бошлади. 1951 йилда вилоят корхоналарида маҳаллий ишчилар сони урушдан аввалги даражага қараганда 2,6 баравар кўпайди. Бугунги кунда эса уларнинг сони 60 мингдан зиёддир.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси кескин ривожланди. Ота-боболарнинг чўл-биёбонларга сув чиқариш орзулари амалга ошди. Катта Фарғона канали 45 кунда қуриб битказилгач, бир қанча минг гектар қақроқ ерга обиҳаёт келди. 1975 йилда эса узунлиги 100 километрлик Наманган канали қуриб битказилди. Натижада 20 минг гектардан зиёд адир ерларни ўзлаштириш имкони вужудга келди.

Тарихан ғоят қисқа бир даврда умумий ҳажми 250 миллион куб метр бўлган 15 та сув омбори, 188 та насос станцияси қуриб фойдаланишга топширилди. 100 минг гектарга яқин экин майдонининг сув таъминоти яхшиланди, деҳқончилик маданияти ривожланди.

1956 йилда вилоятда биринчи марта 200 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 25 центнерни ташкил этди. 1975 йилга келиб эса бу кўрсаткич 31 центнерга етди. Номи бутун республикага танилган, ҳамма тажрибасини ўрганган уста деҳқонлар етишиб чиқди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб шахмат усулида экишни ташкил этган Боқи Маллабоев, пахтачиликда стахановчилик ҳаракатини бошлаб берган 100 центнерчи Иброҳим Раҳматов, кўп минг килограммчи теримчи, СССР Олий Совети депутати Тожихон Асқаровалар шулар жумласидан эди.

Ўтган йиллар давомида вилоят партия ташкилоти сон ва сифат жиҳатидан ўсди. Вилоят ташкил этилган 1941 йилда 299 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобида 4299 нафар коммунист бор эди. Ҳозир эса вилоят партия ташкилоти ўз атрофига 1 та шаҳар ва 11 та район партия комитетларини, 1585 та бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган. Улар атрофига 45 мингдан зиёд КПСС аъзоси уюшган.

Кейинги йилларда вилоятимизда аҳоли моддий турмуш даражасини яхшилаш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига биноан аҳолига кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Аҳолига томорқа учун ер участкалари ажратиш, шахсий хўжаликларда боқилаётган чорва моллар учун емхашак, мол озуқаси бериш кабн тадбирлар шулар жумласидандир. Ўтган икки йил давомида 141 минг оилага 14,7 минг гектар ер ажратиб берилди. Бу ишлар яна давом эттирилмоқда. Аҳоли шахсий хўжалигини ривожлантириш мақсадида ўтган йили 4,3 минг бош қорамол, 44,5 минг бош қўй-эчки, 750 минг бош парранда сотилди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошишига сезиларли таъсир кўрсатди. Дастлабки маълумотларга кўра, 1990 йилда вилоятда жон бошига ўртача 23 килограммдан гўшт, 147 килограмм сут, 73 дона тухум тўғри келди.

Кўпгина тармоқлар қатори ўтган ярим аср давомида вилоятда фан, маориф ва маданият соҳаларида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлди. 1940—1941 йилларда 327 та умумий таълим мактабларида 101 минг бола билим олган бўлса, ҳозир мавжуд 561 та мактабда 362 мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда.

Вилоятимиз меҳнаткашлари эришган ютуқларни ўтган йил якунлари кўзгусида ҳам яққол кўриш мумкин. 1990 йилда қарийб 1,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти, жумладан 950 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг ўзида саноат маҳсулотлари ҳажми 2,4 фоиз, халқ истеъмоли моллари эса 5 фоиз ўсди. Вилоятимизда «Янгилик» белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Наманган тамғаси қўйилган товарларнинг деярли 40 тури ҳорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Маълумки, бугунги кунда ишга лаёқатли кишиларни доимий иш билан тўла таъминлаш ғоят жиддий муаммолигича қолмоқда. Биз бу борада барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Шундай ҳаракат сабабли кейинги икки йил ичида 52,7 минг кишини ишга жойлаштириш имкони топилди.

Вилоятимиз меҳнаткашлари табиатан байналмилал халқ. Шу боис ҳам эллик йил давомида уларнинг қўшни ва иттифоқдош жумҳуриятлар ҳамда вилоятлар билан ўзаро иқтисодий, маданий алоқалари янада мустаҳкамланди. Миллий муносабатлар, жумҳуриятлар ўртасидаги алоқалар мураккаблашган кейинги йилларда ҳам бор имкониятлар ўзаро алоқаларни сусайтирмасликка қаратилди ва маълум маънода бу соҳада ижобий натижаларга ҳам эришилди. Масалан, ўтган йили табиатни муҳофаза қилиш бўйича умумрегионал дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, қўшни вилоят ва жумҳуриятлар билан тижорат соҳасида, нарх-наво ва ўзаро иқтисодий ҳамкорлик хусусида келишиб олинди. Қирғизистон жумҳурияти билан ўзаро келишув айниқса чорвачилик соҳасида қўл келяпти. Худди шундай Қозоғистон ва РСФСРнинг Краснодар ўлкаси билан ҳам иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Бундан ташқари чет эллар билан ҳамкорлик қилишга киришяпмиз. Вилоятимизда Хитой Халқ Жумҳуриятн билан қўшма корхона ташкил этилаётгани бунинг далилидир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, эришилган ютуқлар бизни қаноатлантирмайди. Жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар, шуннингдек эришилган муваффақиятларга вилоят партия, совет ва хўжалик органлари танқидий кўз билан қараб, ўзларининг бутун куч-ғайратларини ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги вазифаларни изчиллик билан бажаришга қаратмоқдалар. Эллик йил чўққисида туриб, янги марраларни кўзламоқдалар.

Азиз муштарийлар, Наманган вилояти ва унинг партия ташкилоти ташкил топган кунинг эллик йиллигига бағишланган материалларни рўзноманинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз!

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори 29 март 1991 йил 74-сон Тошкент шаҳри

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармонига ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, 1991 йилнинг 1 январидан саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги улгуржи нархлар ва тарифларнинг ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нархларининг жорий қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори инобатга олиниб, амал қилиш учун қабул қилинсин.

2. Чакана нархлар босқичма-босқич бир меъёрга келтирилган ҳолда ислоҳ қилинсин. Бунда шулар назарда тутилсинки, халқ истеъмоли молларининг нархлари ва кўрсатиладиган хизматлар тарифлари уларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг реал қийматини, истеъмол хусусиятларини, талаб ва таклифлар нисбатини, аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи асосий товарларга чакана нархларни оширишнинг жумҳурият ҳудудида ягона чегарасини белгилашни ҳисобга олиб шакллантирилади.

Чакана нархлар ва тарифларни ўзгартириш аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича компенсация тадбирларини ўтказиш, иш ҳақини, стипендияларни, пенсияларни, нафақаларни ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилсин.

3. Асосий халқ истеъмоли молларининг давлат чакана нархларини ошириш чегаралари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

4. Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ўз ваколатлари доирасида янги чакана нархларни тасдиқласинлар ва уларни 1991 йил 2 апрелдан бошлаб кучга киритсинлар, прейскурантларни барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказишни таъминласинлар.

5. 1991 йилда ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари, дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари, кофе, сунъий толадан бўлган газлама ва улардан бўлган маҳсулотлар, сунъий материаллардан тайёрланган пойабзал, мўйна, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ ва ўйинчоқлар, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергияси, газ, кўмир, печь ёқилғиси ва ўтиннинг, шунингдек, арақнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги жумҳурият бюджети ҳисобидан 1991 йилда ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари нархларидаги фарқлар учун ЎзССЖ Дон маҳсулотлари вазирлигига компенсация берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, асосий озиқ-овқат товарлари, чойшаблар, газламаларнинг оммавий турлари, кийим-кечак ва пойабзал, шахсий гигиена буюмлари ва тамаки маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мебель, гулқоғозлар, идиш-товоқлар, рўзғор кимёси товарлари, бошқа бир қатор товарлар, шунингдек, шаҳар транспортида (автобус, троллейбус, трамвай, метро) йўловчиларни ташиш тарифларининг қимматлашганлиги учун аҳолига тўлиқ компенсация қилинсин.

7. Чакана нархларнинг ошишини чеклаш мақсадларида 1991 йилда балиқ маҳсулотларига, дори-дармонлар ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа бир қанча халқ истеъмоли молларига дотация бериш қисман сақлаб қолинсин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги 1991 йилда юқорида кўрсатилган маҳсулотлар ва товарлар нархларидаги фарқларни қопласин.

8. Одамларни ташиш тарифлари таксида бир километр учун 40 тийин миқдорида, автобус, троллейбус, трамвай ва метрода юриш учун 15 тийин қилиб белгилансин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги ҳар йили автобус, троллейбус, трамвай ва метрополитенда одамларни ташиш тарифларидаги фарқни қопласин.

Шаҳар атрофига қатновчи темир йўл транспортида йўловчиларни ташиш қиймати ўртача 280 фоиз оширилсин.

Шаҳар атрофига ва шаҳарлараро қатновчи автобусларда йўловчиларни ташиш ҳақи 60 фоиз, жумҳуриятн-

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАРКИБИДА УЗУН РАЙОНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши раёсатининг Сурхондарё вилояти таркибида маъмурий маркази Узун аҳоли пунктида бўлган Узун районини ташкил этиш, унинг таркибига Боботоғ, Жончек, Ленин номли, Телпакчинор, Узун қишлоқларини ҳамда Сариосиё районидаги «Хандиза» совхози ерларидан фойдаланиладиган чегаралардаги Сангардак қишлоғи ҳудудининг бир қисмини киритиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин

Сариосиё районининг маъмурий маркази Узун аҳоли пунктидан Сариосиё шаҳар посёлкасига кўчирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 март.

МУАЛЛИМЛАР ЙИҒИЛИШИ

Фарғонада жумҳурият муаллимларининг XV йиғилиши иншоясига етди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов халқ таълимини қайта қуриш шароитида педагогика фани ва амалиётининг ўзаро муносабатлари муаммолари тўғрисида маъруза қилди.

Учрашув қатнашчилари икки кун мобайнида ўқув-тарбия ишлари шакллари ҳамда услубларини такомиллаштириш, илғор новаторларнинг ташаббусларини мактаб амалиётига жорий этиш муаммоларини муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

ТАНГЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИБ, ВАЗИЯТНИ ҚЎЛГА ОЛАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Шартномани имзолаш механизми тўғрисида гапирадиган бўлсак, уни республикаларнинг ўзлари ва Федерация Кенгаши баҳамжиҳат белгилаб оладилар. Ҳозир бу жараён Иттифоқ парламентига, Олий Кенгашларга ўтказилган комиссияларда Шартнома лойиҳаси ўрганиб чиқилмоқда. Шартномани апрель-май ойларида имзолаш учун тақдим этиш мумкин, деб ҳисоблайман. Ҳар ҳолда, яқин вақт ичидаёқ Шартномани тасдиқлаш мумкин, деб ўйлайман. Бу ўз-ўзидан ғоят муҳимдир.

Тўғри, келинглар, иқтисодий Иттифоқ тузамиз дейишмоқда. Бироқ референдумда намоён бўлган жамиятдаги кайфиятлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, кўпчилик Иттифоқни айни сиёсий ва иқтисодий иттифоқ сифатида сақлаб қолишни ёқлаб чиқмоқда. Шартномани имзолайдиган республикалар ўз муносабатларини умумий ягона давлат ичида ўрнатадилар. Ундан ташқарида бўладиган республикалар эса муайян вақт ўтган сайин Иттифоқ билан бошқача, давлатлараро асосда муносабатларни ўрната бошлайдилар.

Табиийки, энди улар ички алоқаларнинг барча афзалликларидан фойдаланмайдилар.

Л. П. Кравченко. Михаил Сергеевич, бу жараёнда, айниқса, янги Иттифоқ Шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш хусусида Россиянинг позицияси — асосий масаладир. Ҳозирча биз иқтисодиёт ва сиёсатнинг туб масалалари юзасидан Россия раҳбарияти кўпинча ноизчил, зиддиятли мавқени эгаллаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Баъзан Президентга, ҳукуматга, СССР Олий Кенгашига, баъзан эса бир вақтнинг ўзида ҳаммага қаршилик кўрсатилаётганлиги аён бўлмоқда. Боши берк вазият юзага келмоқда: Россиясиз деярли янги Иттифоқни барпо этиб бўлмайди. Сиз бундай вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин деб биласиз?

М. С. Горбачев. Вазиятдан чиқиш йўли топилди, деб ўйлайман. Юқорида айтилган барча фикрлар ўринлидир. Айни пайтда мухолифлик «Россия манфаатларини марказнинг тазйиқидан ҳимоя қилиш» байроғи остида олиб борилмоқда. Зотан кўпинча Иттифоқ, Иттифоқ идоралари эмас, балки қарши кураш олиб бориш керак бўлган афсонавий «марказ» тилга олинади. Ваҳолонки, марказ ўзининг барча камчиликлари ва нуқсонлари бўлишига қарамай, ҳозир иттифоқчи республикалари, уларнинг қонун чиқарувчи олий органларидаги вакиллари орқали тузилмоқда. Бу жараён яқин келгусида янада демократик тус олади, республикаларнинг позициялари эса янада кучлироқ бўлади.

Шу боисдан марказ шанига айтилаётган доимий айблашлар ўтмишга эмас, балки ҳозирги кунга қаратилган, деб ўйлайман. Бундай айблашлар замирида Россия раҳбариятидагиларнинг ҳаммаси ҳам федерация сифатида Иттифоқни сақлаб қолиш позициясини маъқулламаётганлигидан далолат берувчи ният яширинган. Халқ эса айни Иттифоқни сақлаб қолишни ёқлаб чиқди-ку, ахир!

Ҳозир референдумдан кейин халқнинг ҳоҳиш-иродаси ҳаммамиз учун, жумладан Россия раҳбарияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Россияликлар Иттифоқни ёқлаб чиқдилар — Россия раҳбарлари ана шунга, сиёсий реалликка асосланишлари керак. Шундай қилинганда асосий тўсиқ бартараф этилади. Иттифоқ яшайди. Унда, Россиянинг янги босқичдаги мавқеи аввалги ўн йилликлардагига ва ўтган асрлардагига нисбатан кам бўлмайди. Кўпмиллатли давлатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири мана шундадир. Бу тарихан шундай таркиб топган.

РСФСР халқ депутатлари навбатдан ташқари съездининг республика Олий Кенгаши дастлабки тарзда баён этган кун тартиби вазиятни принципиал позицияларда туриб муҳокама қилиш имконини беради. Россия раҳбариятининг сиёсий фаолиятига баҳо бериш тўғрисида гап боради, деб ўйлайман. Бу энг муҳими. Баъзи доираларда, оммавий ахборот воситаларида ҳамма съезд қандайдир шахсий масалани ҳал этиши зарур, демоқдалар. Менингча бу — масалани соддалаштиришдир. Гап сиёсий йўл тўғрисида бормоқда. Вазиятга баҳо берилиши ишлаб чиқилган йўл изчиллик билан россияликларнинг ва бутун кўп миллатли давлатимизнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилишига кафолат берилиши керак. Бу — қайта қуришни ривожлантиришдаги масъулиятли босқичдир. Умид қиламанки, съезд қарорлари қайта қуриш силжишга эришишини таъминлайди.

СССР Президенти шундан кейин гўё ҳокимиятдаги танглик, у аниқ дастурга эга эмаслиги тўғрисидаги фикрларга тааллуқли саволларга жавоб қайтариб, бундай фикрлар оппозиция-чи кучларга хосдир, деди. У мулкчиликка нисбатан бутунлай янгича муносабат, аралаш иқтисодиётга, бозорга ўтиш йўлида меҳнатга, хўжалик ташаббусига қудратли омил бағишлаш учун мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастури мавжудлигини айтди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатдаги ижтимоий аҳволга, совет кишиларининг турмуш шароитларига ижобий таъсир ўтказади.

Президент ҳокимияти ва Советлар ҳокимиятини тузишни, уларнинг имкониятларини очиб беришни, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижроия ҳокимият ўртасида ваколатларни тақсимлашни ўз ичига оладиган сиёсий ислоҳот ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Демократик жараёнларни рағбатлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳужжатлар мажмуи қабул қилинди. Натижада биз сиёсий фикрлар хилма-хиллигига эгамиз, ҳуқуқий давлат сари бораяпмиз. Маданий, маънавий соҳаларда катта жараёнлар амалга оширилмоқда.

Биз ҳозир турмушнинг айрим шаклларидан бошқа шаклларига ўтаётганимизни англаш лозим. Бу ҳамма жиҳатларга — турмуш тарзимизга, фикрлаш тарзимизга, руҳий дунёқарашимизга дахл қилади. Ўзимиз ўзгаришимиз ва бир-биримизга муносабатимизни ўзгартиришимиз зарур. 300 миллион киши, юзлаб халқлар истиқомат қиладиган улкан давлатда, бундай фожиали тарихга эга бўлган мамлакатда буни амалга ошириш осон бўлмайди. Шунинг учун қайта қуриш давомида ишлаб чиқилган дастур ва ҳаракат йўналиши бойитилмоқда, таҳрир этилмоқда. Аммо бош йўл, шунингдек унинг асосий жиҳатлари сақланиб қолади.

Хўжалик алоқалари чоқчокидан сўкилаётган, ишни йўқотиш, ишлаб чиқаришнинг пасайиши учун муайян хавф-хатар пайдо бўлаётган бир пайтда бозордаги, иқтисодиётдаги аҳволга алоқадор жамиятда жиддий тангликни кўрмаслик мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси даромадларга, мамлакат бюджетига, бутун ижтимоий вазиятга таъсир қилади.

Одамлар бекорга ташвиш чекаётганлари йўқ, уларнинг талаблари, орзу умидлари ўринли. Жамиятимизни ислоҳ қилишнинг истиқбол режаларидан ташқари ҳозир таназзулга қарши аниқ-равшан дастурга эга бўлишнинг ҳам зарурати туғилди. СССР халқ депутатларининг охирги съездида ана шу дастурнинг баъзи жиҳатларини шакллантира бошладик.

Съезд қарорларига асосланиб, жумҳуриятлар ўртасидаги иқтисодий ва озиқ-овқат битимлари ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз нархноволарнинг шу жумладан чакана нархларнинг бутун системасини ислоҳ қилди.

Жамият бир меъёрда амал қилишини бузиб юборган жараёнлар туфайли издан чиққан хўжалик алоқаларини тиклаш керак. Бу муаммони ҳал этиш йўллари маълум: иқтисодий битим бор, унга риоя этиш, жумҳуриятлар билан марказ ўзаро келишув асосида зиммаларига олган мажбуриятларни бажариш керак. Корхоналарга бир меъёрда хўжалик алоқаларини боғлаб туриш имкониятини бермаётган жумҳуриятлар ва минтақалардаги барча тақиқлашларни бекор қилиш зарур. Жумҳуриятлар Олий Кенгашлари ва ҳукуматларининг вазифаси шундан иборат.

Уларнинг ҳаммаси СССР Вазирлар Кабинети ҳузурида ана шу алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қандайдир омил доимий ва мунтазам равишда амал қилиши лозимлигини ёқлаб чиқдилар. Бундай омил яратилди. Жумҳуриятлар Вазирлар Кенгашлари Раисларининг биринчи ўринбосарлари кирган комиссия ҳозирдаёқ иш бошлаб юборди ва хўжалик алоқалари бундан кейин бузилишига, ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига йўл қўймаслик иложини топди. Бунда кўмир саноатидаги аҳвол вазиятни мушкуллаштириб юборди. Лекин, ҳозир шахтерлар билан алоқа ўрнатилмоқда, вайронгарчилик жараёнини тўхтатишга имкон берадиган шароит пайдо бўлмоқда, буни ҳамма тушунмоқда, деб ўйлайман. Жамиятимиз мамлакат шахтёрлари буни ҳис этишларига умид қилади.

Ҳозир кўмир қазиб олувчи барча минтақаларда комиссиялар ишлаб турибди. Апрель ойининг бошларида эса бу масалалар шахтерлар жамоалари, кўмир ҳавзаларининг мухтор вакиллари иштирокида Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилади, кейин эса СССР Президенти ҳузурида учрашув бўлади. Натижада энг ўткир масалалар ҳал этилишига ишончим комил.

Шундай қилиб, олдимизда хўжалик алоқаларини тиклаш вазифаси, ундан кейин эса бозор масаласи турибди. Бизда истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва «Ортиқча» пулларни ишга туширишнинг ҳаракат режаси бор. Нарх ислоҳоти ҳам бунга хизмат қилиши керак. Жамиятимизда барча кучларни иқтисодиёт масалаларига, уни барқарорлаштиришга сафарбар этиш кераклигини тушунадилар, деб ҳисоблайман, шу йўлда митинглар ўтказиш эҳтиросларни бартараф этилади, деб ўйлайман. Депутатлар СССР Олий Кенгашида яқин ойлар мобайнида иш ташлашларни бир томонлама тўхтатиб туриш тўғрисида таклиф киритдилар. Мамлакат Олий Кенгаши шундай масъул йўл тутганлигини табриклайман. Ўйлайманки, уни СССРнинг барча фуқаролари қўллаб-қувватлайдилар.

Биз ҳозир вазиятни қўлга олишимиз керак. Одамлар миллатлараро муносабатлардаги можароли вазиятни изга солиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда қатъий қадам ташланишига умид қилишига ҳақлидирлар. Мен «кичик дастур» деб аташим мумкин бўлган таназзулга қарши дастур ана шундан иборат. У ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда, лекин айни вақтда ҳозирги муайян шарт-шароитни ҳисобга олиб пишиқтирилмоқда ва уни Бош вазир апрель ойининг бошларида СССР Олий Кенгашига тақдим этади.

И. С. Фесуненко. Михаил Сергеевич! 85-йилда қайта қуришни айни сиз бошлаган эдингиз, унга биринчи туртки берган ҳам сиз бўлгандингиз. Мабодо, сиз, яна бир марта 1985 йилда бўлиб қолсангиз, нима қилган бўлур эдингиз? Ҳозиргача қилган ишларингизни қилармидингиз, ёки бошқачароқ йўл тутармидингиз?

М. С. Горбачев. Бу осон савол эмас. Энг муҳими танлаб олган йўлимни такрорлардим. Чунки жамиятимиз 1985 йилнинг баҳоригача қандай яшаган бўлса, энди ундай яшаши мумкин эмасди, ундан кейин кўнгилдагидек ривожланиши ҳам мумкин эмас эди.

Биз аслида жамиятнинг ҳолдан тойиши ҳақида гапиришимиз мумкин. Бу сиёсий жараёнга ҳам, мафкуравий соҳага ҳам, маънавий, маданий ривожланишга, иқтисодиётга ҳам дахлдор эди. Жуда хавфли жараёнлар борарди. Нефтнинг жаҳон миқёсидаги нархи, ресурсларни кўпайтириш ҳисобига «йиртилган жойларни» тикишга муваффақ бўлардик. Бу ресурслар юзароқда бўлиб, уларни оборотга киритиш нисбатан енгил эди. Меҳнат ресурслари ҳам ортиб борарди. Арақ тайёрлашни ҳам шунга қўшиш керак, даромадимиз унинг ҳисобидан 100 миллиард сўм кўпайган эди. Биз шундай яшардик, шундай иш олиб борардик. Зиғирча бўлса ҳам бошқача фикрлаш жиноят ҳисобланарди. Миллатлараро муносабатларда қанчадан-қанча муаммолар бор!

Хуллас, бутун турмушимизни тубдан ўзгартириш керак эди. Шу сабабли мен асосан яна ўша гапларни қайтарган бўлур эдим. Тактикага келганда эса, балки, энг аввало турмушнинг янада самаралироқ шакллари ва омиллари яратилмаган экан, ҳозир амал қилаётган шакл ва воситалардан воз кечмаслик ҳақида ўйлаган ва шу ҳақда қайғурган бўлур эдим. Ёндашувлардаги фарқлар, сиёсий, иқтисодий, миллатлараро жараёнларнинг етарли мослашмагани шунга олиб келдики, биз кўп нарсаларга тайёр эмаслигимиз, орқада қолаётганимиз, бошқа ҳолларда эса илгарилаб кетганлигимиз сезилиб қолди, натижада оғир вазиятга тушиб қолдик.

Шу сабабдан мен тактик жиҳатдан йўл қўйган хатоларимизни такрорламасликка ҳаракат қилган бўлур эдим — ниҳоятда жиддий мавзуда суҳбат бўлаётганлиги сабабли буни айтишим керак. Мен масъулиятдан қочаётганим йўқ. Демократик жараёнларни авж олдиришни қайта қуришда нимагаки эришган бўлсак, одамларга эркинлик берган бўлсак, янгича фикрлаш доирасида фаол, тинчликсевар, ҳужумкор ташқи сиёсатни амалга оширган бўлсак, буларнинг ҳаммасини жуда катта ютуқ деб ҳисоблайман. Лекин мен камроқ йўқотишлар билан ана шу йўлни босиб ўтиш мумкин эканлигини ҳам кўриб турибман. Энг аввало, ўзим ҳақимда эмас, балки жамиятимиз, одамларимиз бошидан кечираётган қийинчиликлар тўғрисида ўйлайман. Мен бундан жуда қайғураман. Бу мен учун асосий масала. Менда қайта қуриш ишини интиҳосига етказишдан бошқа мақсад йўқ. Орқага қайтиш тўғрисидаги даъватларга келганда эса, бунинг иложи йўқлигини кўриб турибман. Бу хато, адашиш бўлур эди. Орқага қайтадиган йўл йўқ.

Иқтисодиётни, сиёсий жараённи, мамлакатимиздаги вазиятни барқарорлаштириш, демократия доирасидаги ўзгартишларни давом эттириш, барча жараёнларни авж олдириш лозим. Бинобарин, демократия самарали ишлайдиган қатъиятли ҳокимиятни назарда тутади. Яқинда немис матбуотининг вакиллари менга шундай савол бердилар: тоталитар системадан воз кечиш авторитаризм босқичини босиб ўтишга алоқадорми? Гўёки бу демократиядан чекинишни билдирармиш. Йўқ, ундай эмас.

И. С. Фесуненко: Бизда ҳам бу ҳақда рўзномаларда кўп ёзишмоқда, дарвоқе, ҳатто Пиночетни ҳам эслашмоқда...

М. С. Горбачев. Мен бунга эътибор бермайман...

Агар ҳокимият самарасиз бўлса, қатъий қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга таянмаса, демократия инқирозга учрайди, деб ўйлайман. Бу энди демократия эмас, балки қандайдир бошбошдоқликдир ва биз ҳозир худди шу нарсани бошимиздан кечиряпмиз. Бунинг сабаблари демократик жараёнларни авж олдира бошлаб, тегишли йўлни танлашда маълум даражада хатога йўл қўйганлигимизда эмас, балки Федерациямизни ислоҳ қилишда йўл қўйилган камчиликлардадир. Ҳамма гап ана шунда. Бузғунчиликлар қонунлар урушини, мустақилликлар урушини келтириб чиқарди ва бу ижроия ҳокимиятнинг фаолиятига таъсир қилди, айни вақтда демократик жараёнларга соя ташлади. Ҳокимият самарали, қатъий бўлиши учун ҳамма ишни қилиш керак. Бу эса айни вақтда демократик ўзгартишларни сақлаш, уни давом эттириш, демакдир.

И. С. Фесуненко: Бундай аҳволда яна диктатурага интилаётганликда киноялар бўлишидан чўчимайсизми? Чунки кейинги вақтда сизни ноизчилликда, ҳатто қандайдир муҳим, жамиятда келишмовчиликлар келтириб чиқарадиган қадамлар ташлашда қатъият кўрсатмаганликда айблаган эдилар. Бошқа жиҳатдан олганда эса, биз, журналистлар буни, айниқса, кўриб, ҳис қилиб турибмиз, — сиз Президент сифатида Конституция, қонун доирасида қатъий қадам ташлашингиз билан, масалан, кейинги фармонларингизни олайлик, демократик матбуот деб аталмиш матбуотнинг: «Горбачев ўнг томонга оғмоқда!» деган овози эшитилиб қолади. Айни вақтда бу гапларни Ғарбда ҳам илиб кетишади.

М. С. Горбачев: Ҳа, сиз яна бир нарсани унутиб қўйдингиз, лекин мен уни биламан, кўпчилик Президентнинг сусткашлиги, қатъиятсизлиги ҳақида гапирмоқда. Бу мавзу ҳам кимгадир жуда керак бўлганлиги сабабли, уни зўр бериб тиқиштирмоқда. Буларнинг ҳаммаси бор. Лекин ана шу гаплардан ташвишга тушмаяпман, улар тўғрисида ўйламаяпман, мавжуд вазиятни ҳисобга олмаяпман, деб айтмоқчи эмасман. Йўқ, ундай эмас, лекин мен ниҳоятда қалтис мулоҳазаларга қўшила олмайман ва бу нарса менинг ишончимни кучайтиради. Биз инқилобий ўзгартишлар босқичига кирдик. Бу нарса одамларнинг туб манфаатларига дахлдор бўлмоқда. Норозиликлар ҳам келиб чиқмоқда. Лекин биз нимани қилаётган ва қиладиган бўлсак, уларнинг барчаси жуда кўп одамларнинг манфаатларига жавоб беришини кўриб турибман. Охир-оқибатда бу барчанинг манфаатига мос келади. Шунга интилиш керак. Эҳтимол, давлатимиз тарихида биринчи марта демократия доирасида чуқур ўзгаришлар қилиш, фуқароларнинг тотувлигига эришиш учун интилиш керакдир. Наҳотки, биз одамларни яна «қизиллар» ва «оқларга» ажратсак? Наҳотки, яна 37-йил ва ундан аввалги йиллардаги ишларни такрорласак? Наҳотки, яна: агар сиз менинг фикримга қўшилмасдан, бошқача нуқтаи назарга эга бўлсангиз, демак менинг душманим экансизда? Боз устига: «Агар душман таслим бўлмаса — уни янчиб ташлайдилар!» қабилидаги ишлар наҳотки яна такрорланса, Хўш, биз муаммоларни яна шу тахлитда ҳал қиламизми?

Мен чуқур ўзгартишлар доирасида йўқотишларга, қийинчиликларга йўл қўйганимиздан, одамлар қони тўкилганидан қаттиқ қайғурмоқдаман. Мен буни қайта қуришнинг энг оғир дамлари деб ҳисоблайман. Винобарин, шундай бўлса ҳам, иш фуқароларнинг ажралиб кетишигача, томонларнинг мухолифлигигача борib етмади. Жараёнлар ҳозир демократия доирасида рўй бермоқда.

Тотувлик, ҳамкорлик, ҳатто рақобатлар дастури, ҳаракатлар услуби асосида, ташаббус билан, омилкорлик, лойиҳалар ва фикр-мулоҳазаларни таққослаш асосида ўз олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз керак. Буларнинг ҳаммаси одатда бўладиган гаплардир.

Биз фикрлар хилма-хиллиги, жамият тараққиётини олға силжитадиган ҳар қандай масала юзасидан мулоҳазалар эркинлигига таянадиган сиёсий маданиятни вужудга келтиришимиз лозим. У ёки бу ижтимоий куч, сиёсий партия охир-оқибатда ўзининг ҳақ эканини, ўз дастурлари ҳаётийлиги ва жозибадорлигини исботласин. Ва бу билан халқнинг ишончини оқласин, ҳукумат тузсин, ўз сиёсий йўлини ўтказсин. Бизга мана шу нарса керак. Модомики, сиз бундай сиёсий йўлга қўшилмасангиз, бу сизнинг душман эканлигингизни билдирмайди. Зотан, биз ҳаммамиз шу мамлакатнинг фуқароларимиз.

Мана шунинг учун ҳам демократик қадриятларга, одамларнинг асосий қисмига, уларнинг туб манфаатларига қаратилган ижтимоий адолатга асосланган сиёсий марказ керак. У ҳам ўнгдаги, ҳам сўлдаги барча энг яхши фаол кучларни ўз ичига олиши керак. Авантюристлар ва реакционерлар — ўнглар ҳам, сўллар ҳам истисно бўлмоғи даркор. Шу сабабли марказга жуда кучли халқ ҳаракати сифатида қараяпман. Биз ниҳоят, сиёсий маданиятни қўлга киритамиз деб ўйлайман, у бундан кейин муаммоларни ҳаракатларни бостириш, боз устига қирғин-барот, зўравонлик билан эмас, балки осойишталик билан, демократик тусда, қонунийлик асосида ҳал этишга имкон беради. Агар биз зўравонлик бошланишига бориб етсак, унда мен ўзимнинг ҳамма ишимни, бошлаган ишларимнинг ҳаммасини зое кетган, деб ҳисоблайман. Бу менинг сиёсий ўлимимни билдирган бўлур эди — мен ўша кунларни кўрмаймиз, деб ўйлайман. Сирасини олганда, халқимизда соғлом фикр ва оқилу-донолик устивордир. Референдум буни кўрсатди, худди шу нарса мени илҳомлантирди.

Ўтган йилларда демократиялаш жараёни янги-янги одамларни аниқлашга ёрдам берди ва уларни олдинга олиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги менинг теварагимда ёки мен билан ёнма-ён бўлиб, биз «қайта қуриш» деб атаётган ҳаракатга қўшилдилар. Улар бу ишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Биласизми, биз ҳозир эҳтимол оғир дамларни бошимиздан кечираётган бўлсак керак ва яна қачондардир ўртага қўйилган савол кўндаланг бўлди: бизга нима бўлди, қаердамиз, ўзи, қаёққа, қандай жамиятга боряпмиз? Нималарни рад этяпмиз? Мунозаралар пайдо бўлмоқда. Шуни ҳам айтиш керак: бугунги кунда вазият шу қадар кескинки, ўз тақдирини қайта қуриш билан боғлаган раҳбариятдаги одамлар жасур кишилардир. Ваҳолонки, кўпчилик бунинг аксини қилишни, бошоғриқ ишлардан узоқроқ бўлишни, қаергадир кетишни хоҳлайди.

И. С. Фесуненко: Фан соҳасига...

М. С. Горбачев. Фан соҳасига, яхшироғи хорижий мамлакатларга бориб ишлашни исташяпти, бизда бўлаётган ишларни четдан кузатишни хоҳлашяпти. Мунозараларнинг бу қадар кескинлиги, қизғинлиги, одамлар зиммасидаги ишларнинг бу қадар кўплигига ҳамма ҳам чидаш бера олмайди. Баъзилар уларга панд берганлари учун кетиб қолаётганлари йўқ — улар тўғриси, бу ишнинг уддасидан чиқиша олмаяпти. Мен бу ўринда, эҳтимол, туб сабабларга кўра, ажралиб кетган бир-икки кишидан бошқа қолган ҳамма одамлар, ҳатто бошқача ҳолатга тушиб қолганликларига қарамай ишлаётганликларини, мен билан ҳамкорлик қилиб, ёрдам бераётганликларини айтган бўлур эдим. Биз ўртоқлик муносабатларини сақлаб турибмиз, мен улар билан мунтазам равишда учрашиб турибман. Бошқалар эса маслаҳатчиларим қаторидан ўрин олган. Таъбир жоиз бўлса, аҳвол ўзгарди, муносабатларимиздаги вазият ўзгарди. Лекин Горбачев командаси тарқалиб кетди, ундан «қочиб қолдилар» ёки уни ташлаб кетдилар, деб айта олмайман. Бунинг сабабини эҳтимол, Горбачевнинг ўзи ўзгарганига боғлаш, уни ҳудди шу нарсадан излаш керак. Йўқ, табиий жараён давом этмоқда. Янги одамлар бўй кўрсатмоқда, уларни ҳаётнинг ўзи кўтармоқда. Барча йўналишларда ана шу жараён «янги кучлар тўлқини ила» кучайиб боради деб ўйлайман. Бу, яхши албатта!

Л. П. Кравченко. Михаил Сергеевич, ҳозир СССРни барбод қилишнинг ошкора режалари бор. СССР халқ депутатлари съездини тарқатиб юбориш, мавжуд давлат, сиёсий тузумни алмаштириш керак, деб айтишмоқда. Мен ҳеч нарсани ўйлаб чиқараётганим йўқ, буларнинг ҳаммаси муайян дастурларга ёзиб қўйилган. Оппозиция воситалар танлашдан тортинмаяпти, митинглардан ҳам, иш ташлаш ҳаракатидан ҳам фойдаланилмоқда. Ҳатто шахтёрларнинг жамоаларини катта куч, барбод қилишга йўналтирилиши мумкин бўлган қудратли ишчи ҳаракати, деб ҳисоблаб уларга маълум танқидий шиорларни тиқиштирдилар. Мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, ундан фойдаланишмоқда. Кўпчиликдан фойдаланиш сингари қуролни ҳам жуда тез-тез ишга солмоқдалар. Ана шундай қийин-қистовга нимани қарши қўйиш мумкин, бу давлат ҳокимиятимизнинг заифлиги эмасмикан?

М. С. Горбачев. Бу, эҳтимол, сиз бугун бераётган жуда муҳим саволдир.

Буларнинг ҳаммаси бор гап. Сиз биласиз, мен хавф-хатарни камайтириб кўрсатиш тарафдори эмасман, лекин оппозициянинг шу вақтгача жамиятга қилаётган таклифларида мен Президент сифатида қабул қилишим, қандайдир масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган бирорта муҳим жиҳат йўқ. Оппозициянинг баъзи хусусий жиҳатларидан ташқари, амалий дастури йўқ ва шу нуқтан назардан у биз билан рақобат қилиши мумкин эмас.

Хўш, хатар қаерда? Гап шундаки, оппозиция мамлакатдаги кескин вазиятдан, ижтимоий танглиқдан, истеъмол бозоридаги мушкулликлардан фойдаланиб қолишни ва халқни оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатларга ундашни хоҳлаяпти. Бу — ғоят жиддий хавф-хатардир. Оппозоция съездларда, олий кенгашларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиш, далил-исботларини келтириш, халққа мурожаат этиш учун барча имкониятга эга. Матбуотимизнинг катта қисми бўлмасада, анчагина қисми оппозиция кучлари ихтиёридадир. Улар, ҳар ҳолда ўз нуқтаи назарларини ўнлаб ва юзлаб рўзномаларда баён этишлари мумкин.

Лекин мен айтиб ўтганимдек, уларнинг бу нуқтаи назари вазиятдан қандай қилиб чиқиш тўғрисидаги саволга жавоб бермайди, бирорта таклиф айтмайди. Шу сабабли, улар ўз хатти-ҳаракатларининг истиқболсиз эканини кўра-била туриб, бошқача ҳаракат қила бошлайдилар. Очиғини айтиш керак, оппозиция кучлари ҳокимият тепасига чиққан жойларда улар жараёнларни бошқаришда зарур билим, қобилиятга эга эмасликларини кўрсатдилар, митинглар, ўтказиш, шиорларни ўртага ташлаш, кескин гапларни айтиш бошқа гап, айниқса, биз ҳозир турган масъулиятли босқичда жамият ҳаётини бошқариш бошқа гап. Куннинг долзарб вазифаларини ҳал этиш ва шу билан бирга жамиятни янгилаш, уни ислоҳ қилиш йўлидан олға силжитиш учун шарт-шароит яратиш зарур бўлган ҳозирги пайтда бунга алоҳида аҳамият бериш даркор. Модомики, улар унисининг ҳам, бунисининг ҳам уддасидан чиқиша олмаётган, жамиятга у қабул қилиши мумкин бўлган дастурни таклиф эта олмаётган, улар кўпгина жойларда қўлга киритган ҳокимиятдан самарали фойдалана олиш уқувини исботлай олмаган эканлар — буларнинг ҳаммаси уларни шошилишга мажбур этяпти. Одамлар эса буни кўриб туришибди.

Оппозиция вазиятнинг кескинлигидан фойдаланиб қолишга, одамларни ғавғога ундашга интилмоқда. Гиж-гижлаш йўлига очиқдан-очиқ ўтиб олиб, бунга ишчилар синфини тортишга уринмоқдалар, Бунда бизнинг камчиликларимиздан, қандайдир муаммолар ҳал этилмаганидан ҳам фойдаланмоқдалар. Бироқ жамият билан бундай муомала қилиб бўлмайди, айниқса жамият мана шундай масъулиятли босқичда турган пайтда бундай қилиб бўлмайди. Бу нарса одамларга ким билан муомала қилаётганликларини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ҳозир биз барча ишларни таназзулга қарши дастур доирасида қиляпмиз ва бу йўлда сарфлайдиган куч-ғайратимизни ошираверамиз. Одамлар сабр-матонатли бўлиб қолишларига, нғвогарона даъватларга берилмаслikларига, маъмурлар эса бошбошдоқлик авжига чиқишига йўл қўймаслikларига ишонаман. Охир-оқибатда тартибсизликларга ундаётган ва уни келтириб чиқараётган, Конституцияга қарши боришни ҳоҳлаётган кучлар конституциявий тартибларни қўриқлаётган кишилар билан албатта дуч келадилар.

Мен жуда катта имкониятларимизга ишонаман. Совет кишилари ҳозир саботматонат кўрсатиб, аниқ-равшан вазифаларни ҳал этиш йўлидан олға бориш, танг аҳволдан чиқиш ҳар қачонгидан ҳам зарур эканини тушуниб турибдилар. Биз фуқароларни Ватан манфаатларини кўзлаб тотувликка, амалий ҳамкорликка даъват этамиз, одамларимизнинг ватанпарварлигига умид қиламиз.

Бугун мен мамлакат деҳқончилик соҳасининг вакиллари билан учрашдим. Улар ишнинг янги шаклларини жорий эта бошлаган, маҳсулотли натижаларга эришган кишилар эди. Улар ўз ишлари ҳақида гапириб, уларга баъзи бир нарсалар етишмаётганини айтиб, ишчилар синфига, шахтёрларга: олдимизда мана шундай масъулиятли вазифалар турган бир пайтда хатарли гиж-гижловчи чақириқларга учиб бўладими ахир, деб мурожаат қилдилар.

Металлургия заводлари тўхтаб қолмоқда, машинасозлик металл олмаяпти. Яқинда Новолипецк металлургия комбинатининг директори телевидение орқали сўзга чиқди, ташвишли вазият ҳақида гапирди. Озарбайжон вакиллари эса: биз бу комбинатдан металл оламиз ва нефть саноати учун асбоб-ускуналар ясаймиз, бу асбоб-ускуналарни нефтчилар олишмаса, бу нарса нефть қазиб чиқаришга ҳам таъсир қилади, деб айтмоқдалар. Хуллас бу занжирсимон реакцияни эслатади.

Муаммолар кўп, ҳозир ҳар бир киши асосли талабларни ўртага қўйиши мумкин. Аммо биз хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишдан фойдаланиб, ўз фаолиятимиз натижаларини кўпайтирсак, ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, мудофаани сақлаб туришга ва шу кабиларга имкон берадиган негизни яратсаккина бу талабларни қондиришга қодир бўламиз. Винобарин, танлаб олинган йўлдан бораверишимиз керак. Сабр-тоқат ва қатъият билан бориш керак. Ҳозир мамлакат раҳбарияти шанига кўп танқидий мулоҳазалар айтилмоқда, раҳбарият халқнинг ҳайрихоҳлигига ва мададига муҳтож, албатта.

И. С. Фесуненко. Михаил Сергеевич, танглик вазияти ҳақида гапирганда шуни айтмоқчиманки, ҳозир Москва биздаги энг оловли нуқта бўлиб қолганга ўхшайди. Бу ерда турли сиёсий кучлар жуда кескин гуруҳларга ажралмоқда, ихтилофчиларнинг овозлари жуда баралла эшитилмоқда, энг кучли оммавий митинглар бўлиб ўтмоқда ва дўконларнинг пештахталари ҳаддан ташқари ҳувиллаб қолган, бу ҳол ҳам гулханни аланга олдирмоқда. Бир томондан Москва Совети марказга тобора кўпроқ қарши эканини намойиш қилмоқда, иккинчи томондан эса шаҳардаги ҳаёт тобора издан чиқиб бормоқда. 28 мартга белгиланган митинглар хусусидаги сўнгги қарама-қаршиликни олинг. Олий Кенгаш бу нарсани бекор қилмоқда, Москва Совети эса, аксинча, намойишкорона рухсат бермоқда. Шундан кейин Бош вазир, Вазирлар Маҳкамаси, Президент аралашмоқда. Чет эл бизга қандай назар билан қараётганини тасаввур қилянман. Албатта, бу энг муҳими эмас. Бироқ табиий мантиқ нуқтаи назаридан буларнинг ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган қандайдир ғалати бир нарса. Москвага алоҳида мақом бериш йўли билан бу вазиятдан қутулиш мумкин, деб ўйлайман. Бу масалани эҳтимол, СССР Олий Кенгаши кўриб чиқар. Сиз Москвадаги боши берк сиёсий вазият хусусида қандай фикрдасиз ва бу вазиятни қандай қилиб бартараф этса бўлади?

М. С. Горбачев. Сиз пойтахтдаги аҳволга тўғри баҳо бердингиз. Аввало мен Москвадаги ҳокимият тепасида турган мухолифчи кучлар қилаётган ишларга чалғимоқчи эмасман. Бу — алоҳида масала.

Аммо Москвадаги вазият бизни ташвишга солмоқда. Шаҳарликларнинг муайян турмуш даражасини сақлаб туриш, сўнгра эса уни яхшилик томонга ўзгартиш мақсадида бу масала яқинда Бош вазир томонидан кўриб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Биз Москва таъминотининг барча масалаларини назорат қилиб турганимизни айтишим керак. Ҳозир бу — муҳим муаммолардан бири. Агар сиз менга қандай саволлар тайёрлаб қўйганингизни билганимда, тегишли маълумотларни олиб келган бўлур эдим. Кўпгина нарсаларни Москва ўтган йилларга нисбатан кам олгани йўқ, шу жумладан кейинги икки ой ичида ҳам ўшанча миқдорда гўшт олинди. Аммо бозордаги вазият шундайки, пештахтада пайдо бўлаётган ҳамма нарса дарров йўқ бўлиб қолмоқда. Москва бозорини нормал изга солиш учун кўп иш қилиш керак. Ўйлайманки биз бу ишда Москва маъмурлари билан биргаликда ҳаракат қилишимиз, уларга ёрдам беришимиз лозим. Бу ўринда мен Россия раҳбариятини ҳам, Иттифоқ раҳбариятини ҳам назарда тутаман.

Москвага маҳсулот етказиб берувчи вилоятлар, республикалар ҳам муносиб масъулият билан қарашларига умид қиламан. Айниқса москваликлар умуман яхши ишламоқдалар, уларга эзгу сўз айтмоқ керак. Ҳамма қийинчиликларга қарамай улар режаларни бажармоқдалар ёки ҳатто ошириб б

ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

лараро автобусларда ташиш ҳақи икки баравар оширилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда 2-иловага мувофиқ товарлар аҳолига бошқариладиган нархларда сотилади. Нархларни бошқариш уларнинг прейскурант нархларига нисбатан энг юқори даражаларини ёки ўзгартириш ҳажмларини жорий қилиш йўли билан ёҳуд нархларни белгиловчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгилайдиган бошқа тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ўз ваколатлари доирасида нархларнинг энг юқори даражаларини ёки уларнинг ўзгариш ҳажмларини тасдиқласинлар ҳамда уларни барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга етказсинлар.

10. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сон қарорида тасдиқланган аҳолига шартномали (эркин) чакана нархлар бўйича сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхатига 3-иловадаги товарлар киритилсин.

11. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортида янги тарифлар жорий этилиши муносабати билан аҳоли айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчилар, кундузги бўлимларнинг студентлари, пенсионерлар, ногиронлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун имтиёзли ойлик йўл патталари ҳамда амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонлари билан белгиланган шаҳар транспортида текин юриш бўйича имтиёзлар сақлаб қолинсин.

12. Нарх белгилашнинг бундан буён эркин асосга ўтиши муносабати билан «Д» ва «Н» индексли халқ истеъмоли молларига устама белгилаш тўхтатилсин.

13. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, арзон ва қиммат моллар сотишнинг тенг афзаллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси ЎзССЖ Савдо вазирлиги билан биргаликда янги давлат чакана нархлари билан бир вақтда халқ истеъмоли моллари бўйича табақалаштирилган янги савдо чегирмаларини жорий этсин. Бунда чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун чегирмалар бир хил миқдорда белгилансин.

Зарур ҳолларда давлат чакана нархлари бўйича етказиб бериладиган моллларга оширилган савдо чегирмалари белгиланадиган ноҳиялар, ташкилотлар ва корхоналар рўйхати аниқлансин, шунингдек, улгуржи ва чакана нархлар, тарифлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва савдо чегирмаларининг ошиши муносабати билан умумий овқатланишдаги устама нархлар миқдори қайта кўриб чиқилсин.

14. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталарига ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига кинотеатрлар ва киноқурилмаларга кириш, шунингдек, видеопрограммаларни кўриш патталари нархларини СССР Министрлар Советининг «Совет кинематографиясининг ижодий, ташкилий ва иқтисодий фаолиятини қайта қуриш тўғрисида», 1989 йил 18 ноябрдаги 1003-сон қарорига мувофиқ белгилаш ҳуқуқи берилсин.

ЎзССЖ Маданият вазирлиги Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси ва ЎзССЖ Молия вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиб ўтилган хизмат турларига нархларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тасдиқласин.

15. ЎзССЖ Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар таъминоти бўлимлари чакана нархлари ўзгарадиган товар-материал бойликлар қолдиқларини 1991 йил 2 апрелдаги ҳолатига кўра қайта баҳолашни ўтказсинлар, қайта баҳолашгача бўлган сумма жумҳурият бюджети даромадига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси, ЎзССЖ Молия вазирлиги ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда қайта баҳолашни ўтказиш тўғрисида кўрсатма тайёрласинлар.

16. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят, ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари корхоналар хўжалик фаолиятининг яхшиланишини, фан ютуқлари, илғор техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига маҳсулот таннархининг пасайишини, ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартибни таъминласинлар; халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун корхоналарнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланишини қаттиқ назорат қилсинлар; ўзларига қарашли корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг нарх белгилаш ишларини яхшилаш учун зарур чора-тадбирлар кўрсинлар; тегишли бўлинмаларни малакали мутахассислар билан таъминласинлар; нархлар ва тарифларнинг иқтисодий асосланишига талабчанликни оширсинлар; прейскурант хўжалигини юритишни яхшиласинлар ҳамда давлат нарх интизомига ва компенсация тўловлари миқдорларига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар қўмитаси нарх белгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни кучайтирсин, амалдаги қонунларга хилоф ҳолда белгиланадиган нархларни ўз вақтида бекор қилсин, давлат нарх интизомини бузувчи корхоналар ва ташкилотларга нисбатан иқтисодий жазолар қўлланилишининг муқаррарлигини таъминласин ва айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин.

17. ЎзССЖ Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив қўмитаси тузилган шартномалар асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун жумҳурият корхоналари ва ташкилотларини моддий-техника ресурслари билан тўла ҳажмда таъминласин.

18. ЎзССЖ Молия вазирлиги 5 кун муддат ичида ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда бу идораларга ўз оборот маблағлари нормативининг кўпайтирилиши муносабати билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқсин.

19. ЎзССЖ Прокуратураси, ЎзССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитаси, ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги савдо тармоқларида товар-материал бойликлари қолдиқларини қайта баҳолашни ўтказишни қаттиқ назорат остига олсинлар ва натижалар ҳақида янги чакана нархлар жорий этилганидан кейин 10 кун муддат ичида маълум қилсинлар.

20. ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори билан қуйидагиларни топширганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги ва ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги вагон-ресторанлар ва купе-буфетларда, кемалардаги умумий овқатланиш корхоналарида сотиладиган маҳсулотлар ва молларга янги устама нархлар белгилашсин;

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги, ССЖИ фуқаро авиацияси вазирлиги, ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги ва ССЖИ Алоқа вазирлиги ССЖИ Давлат нархлар қўмитаси билан келишилган ҳолда темир йўл, авиация, денгиз транспортида йўловчилар ташишнинг ва алоқа хизматининг янги тарифлари нархларини тасдиқласинлар.

21. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт комплекси ва тармоқ бўлимларига юклатилсин, улар ҳар кварталда ўз мажлисларида вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг қарор ижроси ҳақидаги ҳисоботларини эшитсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА

Асосий халқ истеъмоли моллари давлат чакана нархларини оширишнинг энг юқори миқдорлари

ўрта даражада (фоиз ҳисобида)

Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	375*
Сут ва сут маҳсулотлари	230*
Тухум ва тухум маҳсулотлари	120*
Нон, ун, макарон маҳсулотлари	—**
Ёрма, шу жумладан гуруч	200
Қанд-шакар	135
Чой	100
Балиқ маҳсулотлари	130
Туз	240
Ўсимлик ёғи, маргарин маҳсулоти ва майонез, кир совун ва атир совун	100
Озиқ-овқат концентратлари	200
Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган айрим тамаки маҳсулотлари	50
Чойшаблар, ички кийим, газлама буюмлари, кийим-кечак, пойабзалнинг оммавий турлари	135
Болаларга аталган моллар	195
Маданий-маиший ва хўжалик моллари	75
Йўловчилар ташиш тарифлари:	
Темирйўл транспортида	70
Авиация транспортида	80
Денгиз транспортида	140
Аҳоли учун алоқа хизматлари	20

* Ўзбекистон ССЖда мазкур маҳсулотлар турлари бўйича ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хусусиятларига кўра чакана нархларни оширишнинг жумҳурият энг юқори миқдорлари белгиланади.

** 1991 йилда чакана нархлар 1990 йилдаги нон, ун ва макарон маҳсулотларига амалдаги нархлар даражасида сақлаб қолинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА

Бошқариладиган чакана нархлар билан аҳолига сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхати

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Янги модали газламалар, трикотаж газламалар, шунингдек, болаларга аталган юқори сифатли моллар

Катталар учун қуён, қўй, қорақўл тери ва бошқа мўйна турларидан тайёрланган ёқалар (қимматбаҳо турларидан ташқари)

Катталар учун қуён ва қўй терисидан тикилган бош кийимлар

Момиқ ва пат буюмлари*

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ

Енгил автомобиллар

Ёғоч-тахта ва қурилиш материаллари

Ўқувчилар дафтарлари ва болалар учун идора моллари

Ўсмирлар ва болаларнинг велосипедлари

Болалар аравачалари

Болалар ўйинчоқлари

Гугуртлар

Қўлда сиқиладиган кир ювиш машиналари

250 литргача бўлган ҳажмдаги холодильниклар

3—4 — мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радио эшиттиришларини қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари

Қора-оқ тасвирли телевизорлар

2-3 — туркумга мансуб рангли тасвирли телевизорлар

Тўғри чокли тикув машиналари

Синтетик кир ювиш воситалари

Газ ва электр плиталари

Фильмоскоплар, диафильмлар ва болалар учун бошқа кино-фото моллари

Болаларга аталган грампластинкалар

Ток манбалари (ток билан таъминлаш элементлари)

Китоблар ва китоб маҳсулотлари

Мебель (унинг айрим буюмлари — столлар, стуллар, диванлар, кароватлар ҳамда туркумга ва йиғмага кирмайдиган бошқа буюмлар)

Гул қоғозлар

Сирланган ва алюмин идишлар

Тўқиш аппаратлари

Рангсиз шишадан тайёрланган, пуфлама ва пресслланган идишлар

Гуруҳларга бўлинадиган чинни-фаянс идишлар

Бир андозада тайёрланган уйлар ва боғ ҳовли уйлари, деталь комплектлари

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кичик тракторлар, мотоблоклар ва мотокультиваторлар

Хўжалик асбоблари

Маҳаллий қурилиш материаллари

Кигиз ва кигиз буюмлари*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ

Винолар, шу жумладан шампань виноси

Оддий коньяклар

Ликёр-арақ маҳсулотлари

Пиво

Пардоз-андоз буюмлари

Карамель

Тропик мевалар, цитрус мевалари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар

Олий навли дудланган ва ярим дудланган колбасалар*

Мева данакларидан тайёрланган ёғ*

Шарқ миллий ширинликлари*

*Мазкур моллар жумҳурият ваколатига мувофиқ киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА

Шартнома (эркин) нархлар билан аҳолига сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхатига қўшимча равишда киритиладиган мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган моллар

ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ

Зиғирпоя толасидан тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, дастурхонлар, чойшаблар ва бошқа доналаб сотиладиган буюмлар (ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлардан ташқари).

Табиий ипакдан ва бошқа толалар билан қўшиб тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, ипакдан тўқилган мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари, духоба (ишлаб чиқариш-техника мақсадларида ишлатиладиган маҳсулотлардан ташқари), тукли духоба*

Соф жундан тўқилган газламалар (махсус мақсадларда ишлатиладиган газламалардан ташқари) ва улардан ишланган буюмлар, мебель газламалари, туя жуни ва ангор эчкиси жунларидан тўқилган адёллар, қалин жун рўмоллар, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик, дераза пардалари

Ип газламадан тўқилган кўйлакбоп жаккард ва креп тўқимали газламалар, маркизет, вуаль (тўр), батис, дока, 400 г/квадрат метрдан юқори оғирликдаги жинси газламалари, духоба ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари

Пахтадан ишланган янги модадаги буюмлар, ярим жун ва кимёвий толалар

Нотўқима пахмоқ ва тикма ипли сочиқбоп, кўйлакблузкабоп, гулли газламалар

Тўрпардабоп полотнолар, (энг оддий таркибдаги полотнолардан ташқари)

Пахтадан тайёрланган тўқув ва тикув иплари, табиий ипакдан тайёрланган тикув иплари

Катта ёшдагилар учун моделли, спорт усталари, фаол дам олиш учун мўлжалланган чарм пойабзаллар

Катта ёшдагиларнинг спорт ва фаол дам олиши учун мўлжалланган полимер пойабзаллари

45, 52-номерли соф жун калавадан, четдан келтирилган фасонли калавадан ва эчки момиғидан катта ёшдагилар учун тайёрланган трикотаж буюмлар

Гиламлар ва гилам буюмлари

Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган чарм-атторлик буюмлари (махсус мўлжалланган ва болаларга аталган буюмлардан ташқари)

Тўқимачилик-атторлик буюмлари (махсус мақсадларга мўлжалланган маҳсулотдан ташқари)

Катта ёшдагилар учун табиий мўйнанинг қимматбаҳо турларидан тайёрланган ёқалар

Катта ёшдагилар учун мўлжалланган хориждан келтирилган юқори сифатли тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал, чарм-атторлик буюмлари

Канап ва арқонлар

Метанитдан фойдаланиб тайёрланган газламалар ва буюмлар

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган табиий чармдан тайёрланган кийимлар

Зардўзлик буюмлари *

Халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари ва совғалар*

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ

Соатлар

Шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари ва микрокалькуляторлар

250 литрдан ортиқ ҳажмли холодильниклар, 2-3 бўлмали холодильниклар, музлатгичлар

Яримавтомат ва автомат кир ювиш машиналари

Яримавтомат ва автомат «Зиг-заг» тикув машиналари, тўқув машиналари

Чангютгичлар, пол пардозлагичлар ва бошқа электр рўзғор буюмлари

Электр ва радиоўлчов асбоблари

Шарикли ва пероли авторучкалар

Грампластинкалар (болаларга мўлжалланганларидан ташқари)

Телефон аппаратлари, уларга тегишли эҳтиёт қисмлар ва буюмлар*

Фото-кино товарлари (болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Сув иситадиган иситиш аппаратлари ва қурилмалари

Ёғочдан ва металлдан тайёрланган хўжалик моллари

Оқ қоғоз товарлари (мактаб-ёзув товарлари ва болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Кўзгулар

Пластмасса буюмлари

Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган идишлар

Бордорчилик - полизчилик асбоблари

Майда-чуйда металл буюмлари, қулфлар

Маиший кимё моллари

Спорт моллари

Мусиқа асбоблари

2-мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радиоэшиттиришларни қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари (радиоприёмниклар, радиолалар ва бошқалар)

Мото-велосипед товарлари, автомобиль буюмлари (болалар учун мўлжалланганларидан ташқари)

Якка тартибда фойдаланиш учун мўлжалланган қурилиш машиналари

Қилдан тайёрланган чўтка буюмлари

Бадиий-ҳунармандчилик буюмлари, совғалар, нишонлар

Металлдан ишланган заргарлик ва атторлик буюмлари, маникюр жиҳозлари, несессерлар ва бошқа атторлик буюмлари

Сантехника асбоб-ускуналари

Электр ва радиотоварларга ҳамда мураккаб техникавий маданий-маиший ва хўжалик моллари учун эҳтиёт қисмлар

Эгар жабдуқ буюмлари*

Арчалар*

Сопол ва кулолчилик буюмлари*

Зоотоварлар*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ

Хом дудланган* колбаса маҳсулотлари

Музқаймоқ

Ёғли нон-булка ва тешик кулча, қоқ нон, кирсиллама нон, ҳар хил пишириқлар (соломка, рожки, рогалики)

Қуймоқбоп ун

Қандолатчилик маҳсулотлари (карамелдан ташқари)

Алкоголсиз ичимликлар ва минерал сувлар

Қуён гўшти

Тирик балиқ

Юқори тўйимли ёрма

Крахмал

Гиёҳлар қўшилган чой

Хориждан келтирилган тамаки маҳсулотлари

Зираворлар ва дориворлар*

* кўрсатилган товарлар жумҳурият ваколатига мувофиқ киритилган.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетида

29 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ошкоралик масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар давлат комитети фаолиятидаги ошкораликни ўрганиш якуни муҳокама этилди.

Мажлисда, шунингдек Ошкоралик комитети қарорига кўра ана шу комитет қошида тузиладиган жамоатчилик кенгашининг таркиби ва унинг дастлабки йиғилишини ўтказиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. (ЎзТАГ).

КООПЕРАТИВЛАР БИРЛАШДИ

Фахрийларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришда ўз қобилиятини намоён этмоқда. Жумҳуриятимизда улар учун йиғирмата кооператив ташкил этилди, ўн учтаси шакилланиш босқичида турибди. «Фахрий» деб аталган кооперативлар ва кичик корхоналар жумҳурият бирлашмасининг Тошкентда бўлган таъсис анжуманида улар бирлашди.

Кооперативлар бирлашмаси бошқарувининг раиси этиб Н. А. Аҳмедов сайланди.

Анжуманда Уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон жумҳурият кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

---

31 март — Хотира куни

БАРАКАЛЛА, ҚАЛБИМ...

БУЙИ баравар қорага бурканган аламли кунларимиз эди. Адамларнинг ҳурматли ҳамкасбларидан бири биз, аёллар, беармон нидо қилаётганимизда секингина ёнимизга келиб, «Ҳозир Раҳмат аканинг иш столларидаги ҳеч бир нарсага қўл урмасдан шундоққина дастурхон ёпиб қўя турингларр», деган эди. Мана икки йилу тўрт ой бўлди. ҳамон Адажонимнинг қадрдон иш столларига қай юрак билан яқинлашишни ўйлаб юрибмиз. Ҳаёт эканликларида ёзув столларини артиб-суртиш сабабидан ё бир парча ёзув қоғози, ё газеталардан қирқимлар, ё календарнинг йиртилган варақлари, ё машинкаланган қоғоз тахламларининг турган жойи озгина ўзгариб қолса ҳам ранжиб қўярдилар. Бизга аҳамиятсиз туюлган шунчаки сўз, ибора, ҳатто кишиларнинг исмигина битилган ёзувлар ҳам Адамлар учун ҳаёт манзараси ёки кечмиш воқеаларни жонлантирувчи жўнгина туртки эди. Ўзлари бу ҳақда кўп гапирардилар. Газетанинг ёзув битилмаган тоза хошиясига исми, шарифи ёзиб қўйилган бир аёл ҳақида сўрагинимда киши юрагини ларзага келтирадиган даражадаги инсон қисмати ҳақида айтиб берган бир бутун ҳикоялари худди кечагидек қулоғим остида эшитилади. Бир воқеа ёки бирор киши тақдири ҳақида ҳикоя қилганларида худди қоғозга тушираётгандек бутун тафсилотлари билан гапириб берардилар. Шу сабабдан ҳамма гапларини ҳеч халал бермай жон қулоғимиз билан тинглаб ўтирардик.

БУЮМ ҳам эгасига шунча садоқатли бўладими?! Адамларнинг ён соатлари ўша машъум дақиқада тўхтаб қолган экан. Ҳали-ҳануз соат миллари жойидан жилмай иш хонасидаги сокинликка ҳоким бўлиб турибди. Мен шуларни ёза туриб бирдан сергакланиб кетдим. Эсимни танибманки, Адажоним бирон марта нолиш, ношукурлик қилганларини билмайман. Ҳар сафар оиламиз билан йиғилганимизда онамларга тасдиқлатиб савол берамиз. Қизиқ, Адамлар бирон марта, бирон кишининг ўзларига ёмонлик ёки оғир ботадиган иш қилганини, жаҳл билан гапирганларини эслолмаймиз. Улар учун бу дунёнинг устуни, қудрати, ягона устивори меҳру оқибат, поклигу ростгўйликдан иборат эди. Биз, фарзандлар кўнглимизни чўктиришга бутунлай ноҳақмиз. Адажоним бизнинг қонимиз, жонимизни шунчалар туганмас поклик, ҳалоллик, инсоний муҳаббат сувлари билан сероб қилиб кетдиларки, токи танимиздаги бу покизалик фарзандларимизга ҳам ўтгусидир.

Адамлар кундалик дафтар тутишни одат қилгандилар. Биз, журъат этиб ёзув столларининг тортма жовонидан бир-иккита дафтарларини олиб ўқидик. Қуйида шу ён дафтарларидан айрим қайдларни келтирдик.

Дилбар ФАЙЗИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Суратда: ёзувчи набиралари даврасида.

Раҳмат ФАЙЗИЙ.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

ДАФТАРДА ҚОЛГАН ҚАЙДЛАР

● Шундай бисот орттирсангки (адабий бисот-да), кексайганингда титкилаб ўтириб, кўзинг қувонса, руҳинг яйраса, умрнинг беҳуда ўтмаганидан (Хотира! Қандай кучга эга-я), мамнун бўлсанг — шунинг ўзи яшартирса, қаритмаса керак.

● Кўнгилга келган ва тиним бермайдиган ишни зудлик билан қилмоқ лозим!

● Шу кунгача юбилей атрофида бўлаётган гаплар, табрик, ниятлар орасида энг кўнгилга хуш келгани «...эндигина 60 ёшга кириб...» дегани бўлди. Эндигина-я, о барака топкурларе...

● Ёшликдан жўш урган инсоний фазилатлар ҳамма нарсадан улуғ эканлигини ким сезмайди, дейсиз.

● Инсон ҳиссиётининг кучи масофани ҳам, вақтни ҳам ҳисобга олмайди, билмайди.

● Ўртадаги девор қанча баланд бўлса, қўшнилар шунча аҳил бўлишади.

● Дунёда зар билан ҳам, зўр билан ҳам эришиб бўлмайдиган нарса бор — муҳаббат, бўса!

● Танглайн алла билан кўтарилган инсон марсияга маҳлиё бўлиб оламдан кетади.

● Бутун бир ғам-ғуссани бир оғиз ширин сўз ювиб юборади, гоҳо.

● Паришонхотирлик энг зарарли иллат. Айниқса, турмуш ишкир-чиқирлари билан бўлиб, улкан воқеаларни унутиш ёмон. Агар бу воқеа қирғин уруш каби воқеалар бўлса яна ёмон. Санъат, адабиёт бу воқеаларни эсга солиб турмоғи даркор, лозим...

● Инсон ҳамма нарсага мослаша олади. Унинг кучи ҳам шунда. Шу билан бирга ожизлиги ҳам.

● Одам боласи ҳамма нарсага эга, у жуда бой: ақл-идрок, куч-қудрат, касб-кор, эшитиш, кўриш, лаззатланиш, севиш, севилиш, оила қуриш, фарзанд кўриш, сайр-саёҳат қилиш, меҳр-оқибатли бўлиш. Шунча бойлик, имкониятга эга бўлган инсон боласи фақат биргина жонга, битта ҳаётга эга, холос. Уруш ана шундан маҳрум этади.

● Жамият, эл-юрт ёзувчига ўзининг эзгу ниятлари, улкан муаммолари ва буларни бадиий сўз воситаси ила ечишни ишониб топшириб қўяди, энг муҳими шуки, инсонлар маънавиятини ҳам топшириб қўяди. Бунисн нима деса бўлади, энг мураккаб ва ...оламки, унинг ичига кириш, ўрганиш, ҳис этиш осон ишмас.

● Ёшларга насиҳат қилиш билан иш битмайди. Бунинг таъсири унча бўлмайди. Уларга кўрсатиб, ушлатиб, эшиттириб таъсир қилиш, фактлар билан ёндашиш лозим.

● Манманликка қарши ўт очиш керак-да. Бу марказни йўқотиш савоб иш. «Мен»ки дедими, бошқани бир пақирга олмайман дегани бўлади.

● Биз, эркаклар, табиатимизда, ҳалқимизда, одобимизда нимаики яхши фазилатлар бўлса, жамини аёллардан олганмиз, меҳрлари билан йўргаклаб, муҳаббатлари билан вояга етказганмиз. Шу туфайли умр бўйи аёлга таъзимда бўлсак арзийди.

● Яхшики эртанги кунга қиладиган ишим бор... Бугунги кундан ҳам мамнунман, ҳам шунинг учун миннатдорманки, эртанги кунга иш қолдирди. Ҳай, ҳай, эртага нима қиламан дейишдан асрасин.

● Бировга чоҳ қазиганнинг зарпечакдан нима фарқи бор? Зарпечак бегона тана, илдиздан ўсиб, уни қуритади, натижада ўзи ҳам қурийди.

● Уйдаги гапни кўчага олиб чиқсанг рўзғордан қут-барака, меҳрдан оқибат кетади!

● Корчалон керак бўлса, бозорга тушиб юрма, тўй қил!

● Ваъда берилган жойга ўз вақтида бормаган одам қадрини кетказади.

● Қизиқ. Ёш улғайган сари анавини қилма, манавидан эҳтиёт бўл, камроқ е, ёғсизроқ, анавинга ружу қилма... Насиҳатгўйлар ўйламайдики, ўрганиб, ёқиб қолган одатлар одамдан кейин қаришини...

● Сўз, тил, муомалага нега эътибор бермаймиз. «Лаббай» билан ёнма-ён «Хе-е», «Нима-е» қачон туғилди. Тилга киргандан бошлаб... Мактабда тил дарси ўтилдию, китобий ўтилди. Тил муомаласи дарси бўлиб ўтмайди. Сўздан сўзнинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор, тарзида ўтмайди. Нега ширин тил дарси тарбияси бўлмаслиги керак... Оғиздан чиқаётган сўз маъносини ҳам, мусиқасини ҳам, гўзаллигини ҳам бола сезиб туриши керак. Янги сўз — янги дунёдек, янги ихтиродек бўлмоғи, маъноси ҳам, салмоғи ҳам, мусиқийлиги ҳам янги бир олам очмоғи керакки, то умр охиригача шу сўз унга руҳий мадад, илҳом берсин, ҳожатини чиқарсин, гўзаллиги билан, мусиқийлиги билан эшитганларни ўзига ром қилсин, бошқаларга намуна бўлсин, одамлар ҳавасини келтирсин, уларни хушнуд этсин. Бу катта санъат, аммо оммавий санъат бўлмоғи лозим. Энг муҳими, эгасини мамнун этсин.

● Шошилма, ўтмишингни ўйла. Бу нозинеъматлар... ўз-ўзича осмондан тушганмас... Одамни одам қилган меҳнат билан хотира.

● Аёл — бир дақиқа бўлса-да аёллигини унутаркан (ўзига қараш, эркакларга кўриниш борасида), у ҳаёт лаззатини тотмай ўтади.

● Истеъдод фақат касб-кор, ҳунар, билимдагина эмас, инсонийликда намоён бўлади. Инсоний истеъдоди бор одамда олижаноб хислат, фазилатлар, қадр, қиммат бўлса не бахт.

● Элнинг назарига тушдингми, дилнинг назарига тушганинг. Дил назари сира ўчмайди...

● Китобхон мени унутсаю, қаҳрамоним номини эслаб қолса, ўзимни бахтиёр деб ҳисоблардим.

● — Галстук тақишни билибсану, тобут кўтаришни ўрганмабсан-да, э аттанг.

— Олдидан оладилар, олдидан!...

Ҳар бандан мўмин вой отам, вой онам десин, болам демасин...

● Тонг. Тобут (Хазин мусиқа, додлатадигани) ва янги туғилган чақалоқ.

● ...У шундай совуқ эдики, юзига ёққан (қўнган) қорни ҳам эритолмасди.

● «Бир бурда патир». Монреалда патир (нонуштадаги майиз, мағиз, ёнғоқ, патир) ҳақида автобусда гаплашиб кетаётганимизда бир муҳожир нотаниш ўзбек эшитиб қолиб эргашгани... Кейин... фожиага айлантириш мумкин...

● Аёллар! Уларнинг буюклиги, куч-қудрати нозиклигида, меҳри дарёси қайноқ қалбида, бахти-саодати табассумида, меҳр-вафоси нигоҳида.

● Сел — ел — иккови ҳам бебош нарсаку, одамлар ҳаёт охирида шуни орзу қилишади? Қизиқ?

● Манманлик — камтарликнинг куяси, охири уни емиради.

● Кўнгил қолиши — чиққан жон билан тенг.

● Етимга йиғини ўргатишнинг ҳожати йўқ.

● ...Энди бу оиланинг синган косаси бўлакларини тўплаш амри маҳол. Борди-ю шундай қилинганда ҳам чегаланган коса коса бўлармикан?

● Чивиннинг ашуласини эшитганмисан! Ҳай-ҳай, айниқса, қоронғуда қулоғинг тагида ғизиллаши...

● Инсон икки нарсага тўймайди — меҳр ва висолга.

● Дил қулфини тил очади.

● Чўққига — ҳаёт чўққисига чиқишнинг қайтиши ҳам бўлади. Аммо пастга тушарканса бир умр нимага юқорига кўтарилганингга афсусланмасанг бўлгани...

● Ҳар қандай ифлослик билан ҳаёт кечираётган кимса ҳам ҳақиқий гўзалликни кўрганда ҳаваси келади...

● Инсон ҳаётида икки воқеа: туғилиш — ўлиш рўй беради. Инсон бу ҳар икковида қатнашмоғи, туғилиш ва ўлиш табиий, зарурий бўлгандек, табиий ва зарур (Қатнашмаслик жиноят саналмоғи, ҳисобланмоғи лозим) деб билмоғи лозим. Энди булар ўртасида бўладиган маросим (воқеа)ларда иштирок этиш — инсон фазилатига қўшимча ҳуснн бўлиб тушади.

● Олам китобсиз бўлса, гиёҳсиз тақирга ўхшаб қолса керак.

● Дунёда икки нарсадан — қарздан, одамлар назаридан қолишдан қўрқаман.

● Баракалла қалбим, Ёмонликни ҳам, яхшиликни ҳам сиғдира олсан. Ҳатто ёмонликдан яхшилик ахтаришга ёрдамлашасан. Бир умр миннатдорман. Фақат мана шу феълимни яхши билиб олиб, ундан ёмон ниятда фойдаланаётган, кенг юраклигимни суистеъмол қилаётганлар жонга тегди-да.

(Қалам ҳақи Раҳмат Файзий номидаги болалар уйига ўтказилишини сўраймиз).

Наманган вилояти ва вилоят партия ташкилоти 50 ёшда

ЭЛ ХИЗМАТИДА

МЕДИЦИНА

● ВИЛОЯТ тарихида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган ишлар ҳам ёрқин из қолдирди.

Статистика маълумотларига қараганда 1913 йилда ўлкада янги туғилган ҳар минг чақалоқнинг 400 таси бир ёшга етмай нобуд бўларкан. Революциядан аввалги Наманган уездида соғлиқни сақлаш ҳаражатлари аҳоли жон бошига йилига 2,5 тийинга тўғри келарди. Шаҳарда биттагина 15 ўринли шифохона бор эди, холос. Бутун уездда 2 та врач ва 4 та фельдшер ишларди. Октябрь инқилобидан кейин бу соҳада туб ўзгаришлар юз берди.

Вилоят ташкил топган 1941 йилда шифохоналар умумий сони 26 тага етди. Ҳозирги кунда эса мавжуд 126 та шифохонада барча касалликлар даволанади. Қишлоқ амбулаторияси ва поликлиникалари ҳам етук врач ва ҳамшираларга эга. Вилоят бўйича врачлар сони 1940 йилдаги 91 нафардан бугунги кунда 4300 нафарга кўпайди. Бошқача айтганда қозир ҳар 10 минг аҳолига 29 врач тўғри келади. Урта медицина ходимлари сони ҳам кескин кўпайиб, 1941 йилдаги 500 кишидан 15 минг кишига, шифохоналарда ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган ўринлар сони 1940 йилдаги 26 тадан 120 тага етди. Аптекалар сони ҳам шу давр мобайнида 13 баравар ортди. Вилоят бўйича 447 шифокор «СССР Соғлиқни сақлаш аълочиси», 16 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими», 14 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» деган фахрий унвонга сазовор бўлдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, поплик шифокор Ҳадича Аҳмедова ҳамда СССР халқ врачи, уйчилик Назира Жуманова вилоят шифокорлари фахридир.

МАОРИФ

● 50 ЙИЛ давомида ўқув ва билим масканларининг моддий техника базаси мустаҳкамланди.

Биргина халқ маорифи соҳасига 1940 йилда 5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 168 миллион сўмни ташкил этди.

Шунингдек, вилоятда мактаб-интернатлар, куни узайтирилган группалар ва мактабгача тарбия муассасалари бир неча баравар кўпайди. Айни пайтда Наманганда очилган махсус лицей иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Бугунги кунда вилоят юқори малакали ўқитувчилар билан таъминланган. Ҳозир вилоят умумтаълим мактабларида 23 минг мана шундай ўқитувчилар болаларга билим бермоқда. Уларнинг 587 нафари халқ депутатларидир. 1736 нафар ўқитувчи ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотланган. Мингдан зиёд ўқитувчи эса СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиларидир.

1990 йилда давлат маблағи ҳисобига 20614 ўринли умумтаълим мактаблари, 3150 ўринли мактаб ошхоналари, 5,5 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланишга топширилди. Бошланғич синфда таълим олаётган 173 мингдан кўпроқ ўқувчилар бепул нонушта билан таъминланмоқда.

Бундан ярим аср муқаддам вилоятда 2 та ҳунар-техника билим юртида мингдан зиёд ўқувчи таълим олган эди. Ҳозир 35 та ҳунар-техника билим юртида 20 мингга яқин бўлажак ёш ишчилар ҳунар ўрганмоқдалар. Худди шундай ўрта махсус билим юртлари 5 тадан 18 тага кўпайди. Учта олий ўқув юртида 11 мингдан зиёд талаба ўқимоқда.

Наманган олий педагогика илмгоҳи вилоятда биринчи ташкил топган билим даргоҳидир. Илмгоҳ фаолият кўрсата бошлаган 1942 йилда унда атиги 70 нафар талаба ўқирди. Бугунги кунда эса бу муқаддас даргоҳда 6 мингга яқин ёшлар билим олмоқда. Дастлабки йилларда бу ерда 9 нафар ўқитувчи ишлаган эди. Энди эса 342 ўқитувчи талабаларга турли соҳалар бўйича илм сирларини ўргатмоқда. Улардан 142 нафари илмий даражага эга бўлган профессор, фан доктори ва номзодларидир.

Суратда: илмгоҳ ректори, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати, профессор Муфат Маматов бир гуруҳ талабалар даврасида.

Суратларни Х. ҲАЙДАРОВ олган.

ТАРОНА

(Мувашшаҳ~муҳаммас)

НИЯТДАЙ пок ҳавоси барчага манзур Намангансан,
Нафосат назмидай олам аро машҳур Намангансан,
Боғингни дейдилар жаннат, тошингни дур, Намангансан,
Ҳар ўғлингни Юсуф дерлар, қизингни ҳур, Намангансан,
Элинг гул, кулгига ошно, ажиб масрур Намангансан.

АЖОЙИБ гул диёрдирсан кўриб шайдо бўлар кўнгил,
Атр сочса гулинг диллар наво қилгай бўлиб булбул,
Шу важдан келса меҳмон ҳам қолиб кетмоқ бўлар буткул,
Йўлида гул поёндоздир, қўлида армуғон ҳам гул,
Ғаши бўлса, деган: «гулдай кулиброқ юр», — Намангансан.

МУҲАББАТ бирла ободсан, муҳаббатдан чиройинг ҳам,
Меҳр кўргизмоқ истар ирмоғингдан катта сойинг ҳам,
Гўзал Чортоқда жўш урган неча дардга давойинг ҳам,
Яна чойхоначинг тутган шифодек яхна чойинг ҳам,
Одамийлик, оқибат бирла тирик, маъмур Намангансан.

АСРЛАР шоҳидисан, тоғларинг остида не-не сир,
Адо бўлди сени қўмсаб олисларда буюк Бобур,
Замонлар, шоҳлар ўтди, сен яшардинг оқибат охир,
Ажин қўнган юзингни фасли кўклам, ювди-ю ёмғир,
Буюк аждод даҳосидан эмолган нур Намангансан.

НЕЧУН фахр этмайин, юртим, олов меҳрингга қонганда,
Нечун халқим ғурурланмас, қувончидан уриб ханда,
Елинг куйлашга ўргатса, сувинг шеърга этар банда,
Агар Машраб даъво қилса туғилдим, деб Наманганда,
Ажиб недир, ахир Нодим куйига жўр Намангансан.

ГЎЗАЛЛИКНИНГ сирини истаганлар бағрингга келсин,
Гўзалликни ибо деб англаган қизларга термулсин.
Уларнинг кўрк жамолини ижод, меҳнатда деб, билсин,
Дилин мойдай эритган бол сўзин ҳурмат-да, деб билсин,
Ўзинг ҳам мард йигитлар ўстириб мағрур Намангансан.

АГАР луқмоннинг амрига жавоб этсак ажаб недир,
Азиз меҳмонга қаймоғу қатиқ тутсак ажаб недир,
Сўз ичра «гутти-мутти» дан воз «кечолмурсак» ажаб недир,
Уни ҳар ҳовлида ашъор билан кутсак ажаб недир,
Дили вулқондай Усмонга эмизган шеър Намангансан.

НЕЧА хил нозу-неъматлар етилгай қутли боғингда,
Нафосат ўлкасидирсан тароват ҳамма ёғингда,
Табиат ҳам латофат лойини қормиш қучоғингда,
Ҳабиб жўр бўлди мадҳинг тилга тушган тотли чоғингда,
Ўзинг илҳом, ғазал, қуйга тугалмас қўр Намангансан.

Ҳабиб САЪДУЛЛА.

• Сўз—вилоят пешқадамларига

Назира ЖУМАНОВА, — Уйчи ноҳиясидаги марказий касалхонанинг кўз касалликлари бўйича шифокори, СССР халқ врачи:

— Мен Тошкентда туғилиб, болалар уйида тарбияланганман. 1954 йилда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги мени Уйчи районининг марказий касалхонасига ишга юборди. Ҳозир СССР халқ врачи деган юксак ном эгасиман. Бу унвон нафақат менга, балки вилоятимиздаги барча ҳамкасбларимга берилган мукофотдир.



Мамадали Иномов, — Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» давлат хўжалиги бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор:

— Вилоятимиз ташкил топган 1941 йилдан то шу кунга қадар деҳқончилик билан шуғулланиб келяпман. Уша пайтлардаги деҳқончилик билан ҳозиргисини ҳатто қиёс қилиб ҳам бўлмайди. Экинлар ҳосилдорлиги 2,5—3 баравар кўпайиши билан бирга вилоятимизда деҳқончилик маданияти ҳам кескин ривожланди. Масалан, дала ишлари техника зиммасига юкланиб, қўл меҳнати камайди, ҳосилнинг таннархи анча арзонлашди. Кейинги икки йилда ҳар бир гектар ернинг ҳосилдорлигини ўртача 5 центнерга кўпайтирдик. Бу йил эрта баҳордан 40 центнерни кўзлаб меҳнат қиляпмиз.

Воҳид ПАТТАЕВ, — Вилоят машинасозлик заводи бош директори, Узбекистон ССР халқ депутати.

— Заводимизнинг ҳар томонлама ўсиб, ривожланиб бораётгани бевосита вилоятимиз тарихи билан боғлиқ. Илгари кичик бир корхона бўлган заводимиз бугун иқтисодий жиҳатдан бақувват, ҳатто чет эл корхоналари билан беллашадиган даражага етди. Буни ўз маҳсулотимизни Хитой, Ирок, Туркия, Болгария каби 30 га яқин чет мамлакатларга экспорт қилаётганимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мана, уч йилдан буён ижара пудрати асосида ишлаяпмиз. Эришаётган ютуқларимиз салмоғи ҳам йил сайин ошиб боряпти. Ўтган йилнинг ўзида 5 миллион ўрнига 7 миллион сўм даромад қилдик. Бу йилги режамиз — даромадни 10 миллион сўмга етказиш. Энг муҳими, ҳом ашё танқис бўлиб турганига қарамай заводимизнинг бир маромда ишлашини таъминлашга эришяпмиз. Йилнинг биринчи чораги режаларини ошиғи билан уддалаб, ўн кундан буён иккинчи кварталнинг ҳисобига ишламоқдамиз.

Ҳакимжон ҲОШИМОВ, — Вилоят сув хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи:

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Наманган вилояти Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган, шимолдан жанубга қараб 152 километрлик, ғарбдан шарққа қараб эса 80 километрлик масофани чўлғаб олган.

● Вилоят ҳажми жами 7,9 минг квадрат километр майдонни жумҳуриятимиз территориясининг эса фақат 1,8 фоиз қисмини ташкил қилади.

● Наманган вилояти 1973 йил 1 февралда Ленин ордени билан мукофотланди.

● 50 йил мобайнида вилоят аҳолиси 547,1 минг кишидан 1 миллион 558,9 минг кишига етди. Унинг аҳолиси жумҳурият жами аҳолисининг 7,6 фоизини ташкил қилади.

● Бундан 50 йил муқаддам вилоятда 2 та ҳунар-техника билим юрти бўлган. Ҳозир эса 3 та олий ва 18 та ўрта махсус ҳамда 35 та ҳунар-техника билим юртлари бор.

● Улуғ Ватан уруши даврида фронт ортида меҳнат қилган 50 минг киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланган.

● 1940 йилда Наманган шаҳрида битта телефон коммутатори бўлиб, 500 нуқтага эга эди. Ҳозирги кунда телефон нуқталари сони 103 мингдан ортиб кетди.

● Вилоят партия ташкилоти ҳам ўсди. Ярим аср мобайнида коммунистлар сони 4300 кишидан 45 минг кишига етди.

● Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилаётган шойи газламаларнинг 50 фоиздан кўпроғи Наманган вилояти тўқувчилари қўлидан чиқяпти.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

1—7 АПРЕЛ

1, душанба

● УзТВ-I

9.00 Телефильмлар. 9.25 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.35 Мультфильмлар. 18.55 Болалар учун концерт. 19.30 Ахборот. 19.50 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 Время. 21.15 «Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахборот. 22.20 «Мерос». 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

18.00 «Ассалому алайкум». 19.00 «Спринт». 19.15 «Олқишлар».

● МТ-I

6.00 «Тонг». 8.30 «Мулоқот». 8.50 «Теманинг болалиги». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.30 «ТСН». 11.45 Футбол шарҳи. 14.30 «ТСН». 14.45 «Айиқ териси сотилади». Бадиий фильм. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Мусиқий хазина». 16.45 Болалар соати. 17.45 «Мулоқот». 18.00 «ТСН». 18.15 «Бозор сари боряпмиз». «Маданиятга ким хайр қилади». 19.00 «Променадконцерт таништиради...». 19.25 «Сурбет». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 Время. 21.15 Футбол шарҳи. 21.45 «Аншлаг. Аншлаг». 23.30 Халқаро янгиликлар. 23.50 «Қўшиқ билан қайтиб келаман». 00.20 «Хайқириқ». Бадиий фильм. 01.35 «Мишель Легран Москвада».

● МТ-II

7.00 «Ишбилармон кишининг тонги». 8.00 Эрталабки бадантарбия. 8.15 «Икки цивилизация учрашуви». Илмий-оммабоп фильм. 1-фильм. 8.35, 9.35 Тарих, 9-синф. Итальян тили. 10.05 Ҳужжатли фильм. 10.35, 11.35 Тарих. 6-синф. Спартак қўзғолони. 11.05 «Здоровье». 12.05 «Иссиқ тупроқда». Ҳужжатли фильм. 12.15 Т. Николаева чалади. 12.55 «Ҳис-туйғула омон қол». Ҳужжатли фильм. 13.15 «Планета». Халқаро программа. 14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 14.25 Концерт. 14.55 «Тиғ устида». 16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.25 Мультфильм. 16.35 РСФСР шаҳарлар телестудиялари. 17.15 Спорт гимнастикаси. 18.00 «Телевизион мусиқий абонемент». 19.15 Ҳайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 «Агар сиз...». 20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 20.30 Время. 21.15 «Тапион хоним». Бадиий фильм.

2, сешанба

● УзТВ-I

9.00 «Ҳайвонот оламида». 10.00 «Тегирмон қулаганидан сўнг». Бадиий фильм. 11.15 Телефильм. 18.30 Янгиликлар. 18.35 Мультфильм. 18.40 «Дарсдан ташқари машғулот» Телефильм. 19.10 Адабий кўрсатув. 19.30 Ахборот. 19.50 Фильм-концерт. 20.30 Время. 21.15 «Дутор ва танбур тароналари». 21.55 Спортлото. 22.00 Ахборот. 22.20 Кинокўрсатув. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

18.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 19.00 «Лаҳза». Хабарлар. 19.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми.

● МТ-I

6.00 «Тонг». 8.30 Долзарб репортаж. 8.50 «Сурбет». Бадиий фильм, 1-серия. 9.55 Мультфильм. 10.05 Ҳужжатли фильм 10.30 Болалар соати. 11.30 «ТСН». 11.45 «Променад-концерт таништиради...». 14.30 «ТСН». 14.45 «Якшанба, олти яримда». Бадиий фильм, 1-серия. 16.00 «Қизиқувчилар олами». 16.15 Мультфильм. 16.35 Ҳужжатли фильм. 17.15 «Созандалар мусиқа ҳақида». 18.00 «ТСН». 18.15 Сиёсий мулоқот. 18.45 Ишчан чопар. 19.00 «1991 — Моцарт йили». 19.25 «Сурбет». Бадиий фильм, 2-серия. 20.30 Время. 21.15 «ВИД» таништиради. 22.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 23.30 Халқаро янгиликлар. 23.45 Телевизион мусиқий фильм. 00.45 «Синдикат-2». Бадиий фильм. 1-серия.

● МТ-II

8.00 Бадантарбия. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Жўғрофия. 9.05, 10.05 Француз тили. 10.35, 11.40 Биология. 10.55 Билимдонлар учун машқ. 12.00 Тембрли баянчилар ансамбли чалади. 12.15 Телевизион мусиқий абонемент. 13.30 «Шоирлар мушоираси». 14.00 Мультфильм. 14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 14.25 Ритмик гимнастика. 16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.25 «Тонг юлдузи». 17.40 Мультфильм. 17.50 Ҳужжатли фильм. 19.00 «Горница» ансамбли ижро этади. 19.15 Ритмик гимнастика. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Коллаж. 20.05 Ҳужжатли фильм. 20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 20.30 Время. 21.15 «Қиш охирлаб қолганда», Бадиий фильм. 22.30 «Оддий мўъжиза».

3, чоршанба

● УзТВ-I

9.00 Фильм-концерт. 9.30 «Сулола». Телефильм. 10.00 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.35 Болалар учун «Кувноқлар даврасида». 19.00 «Чорвадор». 19.30 Ахборот. 19.50 «Хотира». 20.30 Время. 21.15 Тижорат хабарлари. 21.20 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 «Санъат усталари». 23.20 «Плюшчихадаги уч терак». Бадиий фильм. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

18.00 «Тоғлар». Телефильм. 18.20 «Билим сарчашмаси». 19.00 «Пульс». Хабарлар. 19.10 «Яшин тутган суворий». Бадиий фильм.

● МТ-I

6.00 «Тонг». 8.30 Ишчан чопар. 8.50 «Сурбет». Бадиий фильм, 2-серия. 9.55 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 11.30 «ТСН». 11.45 «Созандалар мусиқа ҳақида». 14.30 «ТСН». 14.45 «Якшанба, олти яримда». Бадиий фильм, 2-серия. 16.00 «Поезд «Россия» деб аталади». Ҳужжатли фильм. 2-чи фильм. 16.50 Болалар соати. 17.50 Кичик концерт. 18.00 «ТСН». 18.15 Концерт. 18.30 «Позиция». Уолтер Кронкайт жумбоғи. 19.20 «Сурбет». Бадиий фильм, 3-серия. 20.30 Время. 21.15 «Инсон ва қонун». 22.30 «Опера театри олами». 23.30 «Иосиф Кобзон куйлайди». 00.10 «Синдикат-2». Бадиий фильм, 2-серия.

● МТ-II

8.00 Бадантарбия. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9.05, 10.05 Немис тили. 10.35, 11.35 Мусиқа. 11.05 «Онам, дадам ва мен». 12.05 «Шу куннинг воқеалари». 12.15 Б. Николаев куйлайди. 12.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 13.25 Ҳужжатли фильм. 14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 14.25 Мультфильмлар. 16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.25 Мультфильм. 16.50 «Концертдан сўнг интервью». 17.40 Виолончель ва фортепьяно учун соната. 17.55 Педагогика ҳамма учун. 18.55 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 19.25 Коллаж. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!. 19.45 Россиянинг парламент хабарномаси. 20.00 «Ишсизга ким ёрдам беради». 20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 20.30 Время. 21.15 «Рақс ўқитувчиси». Бадиий фильм 1 ва 2-сериялар.

4, пайшанба

● УзТВ-I

9.00 «Писмиқ». Бадиий фильм. 9.40 Фильм-концерт. 10.10 «Ҳамма палубага». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.35 «Таълим ва маданий мерос». 19.10 «Халқаро ҳаёт». 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги хабар қилади. 19.55 «Алифбо сабоқлари». 20.30 Время. 21.15 Мусиқий кўрсатув. 22.00 Ахборот. 22.20 Мусиқий кўрсатувнинг давоми. 22.50 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

18.00 «Тошкент» студияси кўрсатади.

● МТ-I

6.00 «Тонг». 8.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра... 8.50 «Сурбет». Бадиий фильм, 3-серия. 10.00 «Санъат хомийсини кутиб». Ҳужжатли фильм. 10.30 Болалар соати. 11.30 «ТСН». 11.45 «Бугунги Туркия». Кинопрограмма. 14.30 «ТСН». 14.45 «Якшанба, олти яримда». Бадиий фильм, 3-серия. 15.55 Сенегал миллий рақс ансамбли ижро этади. 16.25 Илмий-оммабоп фильм. 16.50 Болалар учун «Офтобдек ёруғ шам». 17.55 «ТСН». 18.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.50 «Нодипломатик суҳбатлар». 19.20 «Сурбет». Бадиий фильм, 4-серия. 20.30 Время. 21.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра... 21.30 Эстрада программаси. 23.00 «Пи» белгиси билан. Танаффус пайтида (24.00) — Халқаро янгиликлар. 00.40 «Синдикат-2». Бадиий фильм, 3-серия.

● МТ-II

8.00 Бадантарбия. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Умумий биология. 9.05, 10.05 Испан тили. 10.35, 11.40 Биология. 11.00 «Адам Смит бойлиги дунёси». 12.05 «Корея». Ҳужжатли фильм. 12.15 Фильм-спектакль. 13.55 Мультфильм. 14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 14.25 Ритмик гимнастика. 14.55 «Мардлик» қўрғонлари». 16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.25 «Циркни ҳамма севади». 17.05 «Йил фасллари. Апрель». 17.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.10 Риитмик гимнастика. 18.45 Л. Рюмина куйлайди. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 «Менеджер Шкяр ва бошқалар...». 20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 20.30 Время. 21.15 «Кўл ёқасида». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар.

5, жума

● УзТВ-I

9.00 «Иванушка бўлган экан». Телефильм. 9.20 «Одам — амфибия». Бадиий фильм. 10.55 Араб тили. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. 19.50 Концерт. 20.30 Время. 21.15 «Маърифатнома». 22.00 Ахборот. 22.20 Малик Қаюмов билан учрашув. 23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

18.00 Кинокўрсатув. 19.00 Пульс». Хабарлар. 19.10 «Цирк! Цирк! Цирк!». 19.50 Тижорат хабарлари. 20.00 «Бизнес-курьер».

● МТ-I

6.00 «Тонг». 8.30 Мультфильм. 8.40 «Сурбет». Бадиий фильм, 4-серия. 9.45 Ҳужжатли фильм. 10.15 «Инсон ва қонун». 11.30 «ТСН». 11.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 14.45 «Якшанба, олти яримда». Бадиий фильм, 4-серия 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 Б. Гайдуков ва С. Ларионовлардан иборат баянчилари дуэти чалади. 16.20 «Онам, дадам ва мен». 16.50 М. Хохлагорская куйлайди. 17.20 Мультфильм. 17.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама 18.00 ТСН. 18.15 «Бир музей тарихи». 18.45 «Дадамни қандай қилиб йўлга солса бўлади?». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.15 «Кечир бизни ўгай она — Россия». Бадиий фильм. 21.45 «ВИД» программаси. 00.45 «Меридиан». 01.00 «Синдикат-2». Бадиий фильм, 4-серия. 02.05 Эстрада театри. В. Толкунова «Аёл монологи».

● МТ-II

8.00 Бадантарбия. 8.15, 9.25 Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.45 Табиатшунослик. 8.55, 10.05 Инглиз тили. 10.35, 11.35 Жўғрофия. 11.05 «Бугунги Буюк Британия». 12.05 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 12.25 Мультфильм. 12.45 Концерт. 13.35 «Сарҳадсиз кенгликлар ва эркин шамол ҳақида қўшиқ». 14.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 16.25 Мультфильм. 16.45 «Аслингни унутма». 17.35 Киножурнал. 17.45 «Омск ривояти». 19.10 Спорт ҳамма учун. 19.25 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 19.40 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.55 «Қизил майдонда ҳам эҳром қад кўтаради». 20.15 РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съездида. 20.25 Коллаж. 20.30 Время. 21.15 «Катта оила». Бадиий фильм. 22.55 Мусиқий телефильм. 23.15 Футбол. СССР чемпионати.

6, шанба

● УзТВ-I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ғаройиб ҳодиса,» Бадиий фильм. 10.10 Телевизион альманах. 11.10 Концерт. 12.50 Жамоат ташкилотларида. Тижорат кўрсатувлари. 13.20 «Илғор тажриба мактаби». 13.50 Ҳужжатли фильм. 18.30 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 Ахборот. 19.50 «Баҳор мушоиралари». 20.10 «Оқшом эртаклари». 20.30 Время., 21.15 «Навоий гулшани». 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Навоий гулшани» кўрсатувининг давоми. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

Шанба, эрта саҳарлаб.

● МТ-I

6.00 Украина фольклорининг концерти. 6.30 Мультфильм. 6.45 Спорт ҳамма учун. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Тонгги дам олиш программаси. 8.00 «Здоровье». 8.30 «ТСН». 8.45 Мультфильмлар. 9.15 Телефильм. 10.15 Тонг юлдузи». 11.15 Болалар учун фильм. 12.35 «Ер—она масканимиз» фототанлови. 12.40 «Мусаввир устахонасида. 13.00 Кичик концерт. 13.10 Режиссёр А. Шахмалиева фильмлари. 14.30 «ТСН». 14.45 Янги авлод танлайди. «Имконият». 16.00 Мусиқий программа. 17.00 Мультфильмлар. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 «Кечир бизни ўгай она — Россия». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.15 «Янги номлар таништиради. 22.45 «Брэйн ринг». 23.30 «Синдикат-2». Бадиий фильм. 00.35 Ленинград Давлат хор капелласи ижро этади.

● МТ-II

7.30 Бадантарбия. 7.45 «Қўриқхона тепалиги». Бадиий фильм. 9.45 Фильм-спектакль. 10.45 «Телескоп». 12.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 15.30 «Плюс ўн бир» видеоканали. 19.00 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.15 «Оила» телепрограммаси. 20.15 Мультфильм. 20.25 Коллаж. 20.30 Время. 21.15 «Киносерпантин». 00.45 Маданият. 01.15 «Пасха».

7, якшанба

● УзТВ-I

ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм. 10.30 «Бу сирли олам». 11.05 «Алифбо сабоқлари». 11.40 Ҳужжатли фильм. 11.55 «Наврўз тароналари». Мусиқий кўрсатув. 12.50 «Чорраха». 13.10 «Замин саҳовати». 18.30 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 19.00 «Сиҳат-саломатлик». 19.30 Ахборот. 19.50 «Бозор иқтисодиётини кўзлаб». Телефильм. 20.00 «Оламга саёҳат». 20.30 Время. 21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий программа. 22.00 Ахборот. 22.20 «Мен сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ-II

8.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 9.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 9.10 Болалар учун кўрсатув. 9.40 Кинопрограмма. 10.40 «Келгинди». Бадиий фильм. 17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.10 «Келгинди». Бадиий фильм. 18.35 «Диёри меҳпарвар». Телеочерк. 19.00 «Ҳафта». 19.30 «Гули сўрх». «Наврўз — баҳор байрами». 20.30 Время. 21.15 «Ҳар дам ғанимат аст...» 22.30 «Телетомошабин ҳамроҳи». Бу сонда кўрсатувлар вақти Тошкент вақти билан кўрсатилган.

● МТ-I

7.30 «ТСН». 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.30 Қишлоқ янгиликлари. 13.30 Мусиқий киоск. 14.00 «Веди» программаси. 14.30 «ТСН». 14.45 Иосиф Кобзон куйлайди. 15.25 «Унутма...» 16.00 МТ-I нинг якшанба-променад концерти. 17.40 «Уолт Дисней таништиради...» 18.30 «Қонундан ташқари». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.15 Концерт-лотерея. 00.15 «Синдикат-2». Бадиий фильм.

● МТ-II

7.30 «Зарядкага сафланинг!» 7.45 Телевизон ҳужжатли фильм. 8.05 «Объектив». 9.15 Баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 8.35 Мария Биешу куйлайди. 10.15 «Планета». 11.15 Муаллифлик телевидениеси.

13.15 Узбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали

16.45 Москвада пасха. 17.45 Ҳужжатли фильм. 17.55 Коллаж. 18.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 18.15 Ҳужжатли фильм. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 От спорти. Англиядан кўрсатилади. 20.30 Время. 21.15 Квинтет-вариациялар. 21.30 Концерт.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5091.

№ 62. ● Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12